# АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ "CENASTEXTILE" ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



**Ўзбекистон аҳлини янгиланиш ва яшариш айёми Наврўз билан муборакбод этади! Барча ўзбекистонликларни баҳорий хушкайфият тарк этмасин.**

**Бағри кенг Ўзбекистон аҳлини Наврўз шодиёнаси билан қутлар эканмиз, ҳаётийлик ва тириклик тимсоли бўлган ушбу қувончли кунларда барчангизнинг хонадонингизга файз-барака, сиҳат-саломатлик, умрингизнинг узоқ бўлишини тилаймиз!**

**Мана шундай файзиёб кунларда она заминимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм суришини ният қиламиз!**

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ "UZ-DONGWON CO" ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ






ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
1996 йилнинг январидан нашр этилади

Бош муҳаррир:
Кўчқор НОРҚОБИЛ

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Нашр индекси: 137
МАНЗИЛИМИЗ:
100192, Тошкент ш. Буюк Ипак йўли кўчаси-1.
Тел: 268-19-97, 268-18-96
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz
Босишга топшириш вақти — 18.00
Топширилди — 18.00

Масъул:
Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи:
Тўлқин РАУПОВ
Буюртма рақами: 16-21
Газета бепул тарқатилади. | А: 1000

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 12 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Маънавият" нашриёти босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Тараққиёт-2 тор кўчаси, 2-уй.



*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● МАХСУС РЕКЛАМА-ТИЖОРАТ, БАЙРАМ-ИЛОВА СОНИ ● 2016 йил 21 март ● душанба ● e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz




## *Янгиланиш ва яшариш айёми — Наврўз муборак бўлсин!*

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси**

*барча юртдошларимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади!*



# Ҳар бир тадбир ўз самарасини бериши керак

**МАЪЛУМКИ, Президентимизнинг 2011 йил 23 августдаги 1602-сон Қарорга мувофиқ Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.**

Мазкур Идоралараро кенгашнинг 2016 йил учун иш-режаси ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мақсади, мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ишга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш юзасидан "Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури", шунингдек, "Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида маънавий-маърифий тарбиявий ишларни янада жадаллаштириш юзасидан чора-тадбирлар режаси" тасдиқланиб, ижрога қаратилди.

Жорий йилнинг январь ойида адлия органлари томонидан жами 3 679 та ҳуқуқий тарғибот тадбири ташкил қилинди. Уларда 157 566 тингловчи (шундан 95 722 нафари ёшлар) иштирок этишди.

Тарғибот тадбирларининг 810 таси оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилди. Телевидениеда 168 та кўрсатув, радиода 270 та эшиттириш эфирга узатилди. Газеталарда 283 дан зиёд, журналларда эса ўнлаб мақолалар чоп этилди. Веб-саҳифаларга 84 та материал жойлаштирилди.

Ҳуқуқий тарғибот тадбирлари оммага таъсирчан тарзда етказилиши учун давра суҳбати, семинарлар шаклида ўтказилди. Бу йўналишда 63 турдаги плакат ҳамда буклетлар 2 313 нусхада тайёрланиб, тарқатилди.

Амалга оширилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари кенг кўламда олиб борилаётган бўлса-да, айрим жойларда ўз ечимини кутаётган муаммолар борлигидан ҳам кўз юмолмаймиз.

Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари билан барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари марказий аппаратлари, таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ўз вақтида ва етарлича таъминланмаяпти, бу бўйича ҳанузгача зарур чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишлар ижрога қаратилган Меморандумлар асосида ташкил этилмаётгани ҳам аниқланди. Бу бўйича давлат бошқаруви органлари ва жамоат бирлашмаларининг етарли даражада ҳамкорлик қилиши мақсадга мувофиқдир.

Масалан, ҳудудий адлия органлари томонидан соҳага оид ишларни ташкил этиш бўйича давлат бошқаруви органлари ва жамоат бирлашмалари учун ўқув-семинарлари ўтказиб турилиши ҳам бугун заруратга айланмоқда. Энг муҳими, тадбирлар шунчаки номигагина эмас, балки ижобий самара бериш нуқтаи назаридан ўтказилмоғи керак.

Олий, ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи-талабаларининг аксарияти ҳуқуқий маданият тушунчасидан хабардор, қонунларга ижобий ёндашишади. Шу билан бирга, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларидан хабардорлик даражаси юқори бўлсада, улар сайлов жараёни билан боғлиқ билимларини янада мукаммал эгалласалар яхши бўларди...

Аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш масаласи бугуннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб турибди. Ҳудудлардаги туман-шаҳар хотин-қизлар қўмиталари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик талаб даражасида бўлсагина ишимиз самараси кўзга ташланади.

Юқорида қайд этилган камчилик ва муаммоли масалаларни бартараф этиш, ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича ишларни услубий жиҳатдан таъминланишини ташкил этиш, давлат бошқаруви органлари масъул ходимларининг масъулияти ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида Адлия вазирлигининг 2016 йил 29 январдаги кенгайтирилган йиғилиш баёни қарорига асосан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги пайтда — март ойида ҳуқуқий тарғибот ва маърифат ишларини амалга оширишга доир тадбирлар режаси ва дастурларининг ижросини ташкил этиш ва ҳисоботларини юритиш кўзда тутилди. Давлат бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳуқуқий тарғибот соҳасида ҳамкорликни таъминлашга эътибор қаратилди.

Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича ишларни услубий жиҳатдан таъминланишини ташкил этиш, давлат бошқаруви органлари масъул ходимларининг масъулияти ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш бўйича ҳудудий ўқув-семинарлари ўтказиш бўйича Республика тарғибот гуруҳи тузилди. Мазкур тарғибот гуруҳи томонидан жорий йилнинг 1-24 мартига қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида давра суҳбатлари ҳамда семинарлар ташкил этилиши белгиланган.

Жорий йилнинг июль-август ойларида эса соҳа бўйича ишларни амалга оширишнинг замонавий шаклларини жорий этиш бўйича асослантирилган тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати сезилмоқда. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирларни белгилаш юзасидан юқорида қайд этилган идораларнинг масъуллари иштирокида республика миқёсида семинар ташкил этилиши ҳам ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

**Алижон ОЧИЛОВ,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи**

# Мурожаатлар эътиборсиз қолмайди

ЮРТИМИЗДА амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари жараёнида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва шу йўл билан уларнинг бу жараёнидаги иштирокини кучайтириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ҳуқуқий маданият даражаси эса қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг жамият ва давлат бошқарувини ислоҳ қилишдаги ўрни ҳамда амалдаги ижроси билан белгиланади.

Дарҳақиқат, қонунларга риоя этиш халқнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлайди. Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ўзгариш ва ислоҳотлар, аввало, инсон манфаати, унинг орзу-умидлари, эзгу ниятларини рўёбга чиқаришдек хайрли мақсадга хизмат қилмоқда.

Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва таркибий бўлинмалари томонидан ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш жараёнини соддалаштириш, шартномавий интизомни мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, нотариат, ФХДЁ, адвокатура фаолияти, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш борасидаги кенг кўламли ишларни эътироф этиш ўринли. Шунингдек, кенг жамоатчиликни қабул қилинаётган қонун ҳужжатлар мазмун-моҳиятидан ўз вақтида хабардор қилиш, жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Айниқса, жисмоний ва юридик шахсларниг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштиришга жиддий ёндашилмоқда. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири борлигини ҳар бир масъул ходимимиз чуқур ҳис этади.

Мурожаатларда билдирилган масалалар таҳлилига кўра, улар ичида суд қарорлари, жойлардаги турли идоралар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, иш ҳақини вақтида ололмаётганликлари ҳақида шикоятларнинг борлиги кузатилмоқда. Энг муҳими, ушбу мурожаатларнинг барчаси қонуний ечим топиб, аҳолининг адлия органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган 2015 йил давомида вазирликка 784 та ариза ва шикоят келиб тушган ва уларнинг 582 таси кўриб чиқилди. Натижада 29 та тақдимнома, судларга эса 2.488.510.735 сўмлик 59 та даъво ариза киритилди. Шунингдек, қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари оқибатида мансабдор шахсларга нисбатан 10 та интизомий жавобгарлик, 8 та маъмурий тортиш ҳақида қарор қабул қилинди. 7 та ноқонуний ҳужжат бекор қилинди ҳамда 4.620.333.280 сўм маблағ ундирилди.

Вазирлигимиз томонидан "Ишонч телефони"га қилинаётган мурожаатларни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Ишонч телефони"га қилинган 149 та мурожаатнинг 101 таси кўриб чиқилиб, 49 та мурожаат қаноатлантирилди. 50 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Бундан ташқари, вазирлик раҳбарияти ва масъул ходимлари томонидан 236 та жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари шахсий қабул қилинди. Шундан 23 та сайёр қабуллар бўлиб, қабул қилинган мурожаатларнинг 236 таси кўриб чиқилди ва 72 таси қаноатлантирилди, 164 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Жойларда ўтказилган ўрганишлар давомида, ўтган йил мобайнида жами 28.328 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан 406 та тақдимнома киритилди. Тақдимномаларга асосан 300 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 41 нафар шахс билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниб, вазифасидан озод этилди, 59 нафар шахс маъмурий ва 1 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Энг эътиборлиси, 2.456.217.632 сўм маблағ эгаларига қайтарилди.

Ходимларимиз амалга оширилган 2955 та ҳуқуқий тарғибот тадбирида республикамизнинг шаҳар, туман, овул ва қишлоқларида аҳолининг барча қатламларини қамраб олишни, тарғиботнинг таъсирчан воситаларидан фойдаланишни алоҳида назарда тутадилар. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар, жойларда ташкил этилган мулоқотлар, турли соҳалардаги масъул ходимлар учун ўтказилган семинарлар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда, ижтимоий ҳаётимизни адлия идораларининг самарали фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Адлия органлари мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти ривожига, оила ва никоҳ муносабатларини тартибга солишга, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига, жамият қонун талабига риоя қилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу масъулиятли, айни пайтда шарафли вазифаларни муваффақиятли бажариш юртимизда демократик жараёнларни янада жадаллаштириш, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишонарли ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

**Жанабай САДЫКОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири**



# СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ

Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси насос агрегатлари, юқори кучланишли электр тармоқлари, трансформатор ва подстанциялар, автоматика ва телемеханика қурилмалари ҳамда алоқа қурилмаларини юқори даражада эксплуатация қилиш ва таъмирлаш ишларини бажаришга ихтисослашган.

Бошқармамиз тасаррувидаги 512 та, умумий қуввати 302.388 киловатт, секундига 297.693 куб метр сув чиқариш имкониятига эга бўлган насос агрегатлари Андижон вилоятининг 76.764 гектардан иборат адир ерларини оби ҳаёт билан таъминлайди. Биргина 2015 йилда 369,43 миллион киловатт соат электр энергия сарфи эвазига 1.111,97 миллион куб метр сув чиқарилиб, экин майдонларига етказилди. Шунингдек, бошқармамиз тасарруфида 468 дона мелиоратив ва 69 дона суғориш қудуқлари орқали секундига 20,05 куб метр сув чиқарилади. Натижада 41.200 гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилаётган юксак эътиборнинг самараси ўларок, 2010 йилда Андижон туманидаги "Улуғнор", Раиш-Хакент-1к", Жалақудуқ туманидаги "Гулбаҳор" юқори кучланишли насос станциялари инвестиция дастурига асосан тўлиқ реконструкция қилинди. Пировардида, 10 минг гектардан зиёд экин майдонларни сув билан таъминлаш имконияти яратилди. Булоқбоши туманидаги "Ширмонбулоқ", Андижон туманидаги "Кўк гумбаз" насос станциялари эса Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг капитал қурилиш маблағлари ҳисобидан қайта реконструкция қилиниб, 2058 гектар экин майдонлари сув билан таъминланмоқда. Худди шундай ишлар Марҳамат туманидаги "Асака-адир" ва Асака туманидаги "Раиш-Хакент-2" насос станцияларида ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Реконструкциядан сўнг Марҳаматда 3620 гектар, Асака туманида эса 3659 гектар адир ерлари сув билан тўлиқ таъминланади. Қолаверса, кўп йиллардан бери фойдаланилмаётган майдонларга ҳам сув етказиб берилади. Энг муҳими, бунинг натижасида бир нечта янги иш ўринлари яратилади.

Бундан ташқари, тегишли ҳукумат қарорига мувофиқ, хизмат муддатини ўтаб бўлган 6 дона насос, 23 дона электродвигателлар янгиланди. Шу билан бирга, насос станцияларини энергия тежовчи ускуналар билан жиҳозлаш ишлари ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Яъни 2015 йилда 790 дона эски чўғланма лампалар замонавий светодиодли лампаларга алмаштирилди, станцияларга 6 дона реактив қувватни компенсацияловчи конденсатор қурилмалари, "ENERGOTEJASH SARMOYA" МЧЖ томонидан эса 1 дона частота ўзгартирувчи қурилма, бошқармамиз биносига бўлса 2 киловат қувватли қуёш батареяси ўрнатилди. Шунингдек, "Тош-Охур-1" насос станцияси энергетика текшируви ва экспертиза муваффақиятли ўтказилди. Зеро, халқимиз таъбири билан айтганда, сув келтирган элда азиздир.

**Содикжон МЎЙДИНОВ,**
**"Норин-Қорадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси бошлиғи**




Хизматлар лицензияланган.



Ҳурматли юртдошлар!

# “Асака” банк жамоаси

ASAKA BANK

*Сизларни Наврўз байрами билан чин юракдан муборакбод этади!*
*Юртимиз янада обод ва халқимиз ҳаёти бундан-да фаровон бўлсин!*
*Дастурхонлардан қут-барака, турмушингиздан файз аримасин азиз ватандошлар!*
*Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга эга бўлган*
*Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин!*

**Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:**



**“НАВРЎЗ — 2016”**

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий валютада 29 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.**
**Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефонлар | Филиаллар | Код | Телефонлар |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**
- *солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

“Асака” банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.







*Юртимизнинг қай манзилига борманг ҳамма жойда улкан бунёдкорликлар маҳсули бўлмиш бинолар, иншоотларга юзланасиз. Мазкур обидалар қўли гул қурувчиларнинг меҳнат маҳсули бўлиб, уларнинг ишига тасаннолар айтсак камлик қилади.*
*Одатда бунёдкорликнинг бу янглиғ намуналари элимиздаги шодиёна байрамлар, тантаналар, маросимлар арафасида туҳфа этилади. Бундай қувончли онларни халқимизнинг ажойиб байрам кунлари қадимий ва навқирон Хивадаги “Хива қурилиш-сервис” хусусий корхонаси меҳнатчилари ҳам бошдан кечиришаяпти. Жамоа ўз ютуқлари ва қувончли байрам кайфиятини бутун халқимиз билан бирга баҳам кўриш ниятида. Бунёдкорлар жамоаси шу муносабат билан барча ҳамкасблари, буюртмачилар ҳамда кўп миллионли юртимиз аҳлини Наврўзи олам шодиёналари билан қизғин муборакбод этиб, бахту омад тилайди!*

**“ХИВА ҚУРИЛИШ-СЕРВИС” ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

## “МАРЖОН СУВИ”

**жонга малҳам, дилга роҳат**

ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИДАГИ Лалмикор қўрғонининг баҳаво қир-адирлари бағрида жойлашган, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасаррруфидаги кексалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун мўлжалланган "Маржон суви" сиҳатгоҳи дам олувчиларнинг қадрдон масканига айланган.

110 ўринли бу сиҳатгоҳ 2005 йилдан фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда асосан таянч-ҳаракат тизими, ошқозон-ичак, асаб тизими ҳамда нафас йўллари хасталикларига чалинган беморлар даволанади. Чиройли ва сўлим қир-адирлар, тоза ҳаво, қуёш ултрабинафша нури, маъданли сув — буларнинг барчаси инсон вужуди ва руҳиятига шифобахш таъсир этувчи омиллардир. Айниқса, даволанувчилар муолажалардан сўнг ҳордиқ чиқарадиган худуд, кишига хуш ёқувчи фитобарда тайёрланаётган дамламаларни айтмайсизми?!

Сиҳатгоҳ замонавий ташхис қўйиш-даволаш аппаратлари билан жиҳозланган. Сунъий марваридли, йод-бромли, игна барги ванна ва душ, физиотерапия, даволаш бадантарбияси, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар воситаларида даволанувчиларга тиббий хизмат кўрсатилади.

"Маржон суви" шифобахш зилол суви, кўли енгил, ширинсўз ҳамширалари билан бошқа сиҳатгоҳлардан ажралиб туради.



**Ғаллаорол туманидаги Лалмикор қўрғонида жойлашган “Маржон суви” сиҳатгоҳида дам олиб, соғлиғини тикловчи барча юртдошларимизни ўз бағрига чорлайди. Сиҳатгоҳимиз сизларни кутади.**

Хизматлар лицензияланган.

# Баркамол авлод орзусида

ОИЛА улуғ ва муқаддас макон. У саодат ошиёни, эзгу орзу-умидлар остонаси, бахт ва муҳаббат қўрғони. Барча эзгу қадриятлар, хайрли анъаналар оила орқали авлодлардан-авлодларга ўтади, сайқал топади.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб оила қадриятини англаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлигини таъминлаш борасида мақтанишга арзигулик ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Юртбошимиз томонидан оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор Фармон ва қарорларнинг қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ қилинаётганлиги оила институтини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланганлигидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳар бир йилга ном берилиб, шу асосда махсус Давлат дастурлари қабул қилинаётганлиги ҳам миллий кадриятларимизга хос тарбия мактаби сифатида ўз самарасини бермоқда. Масалан, Президентимизнинг шахсан ташаббус ва таклифига биноан истиқлол йилларида ҳар бир йиллар алоҳида номланиб, шундан 12 таси айнан оила, аёллар, оналар ва болалар ҳамда уларнинг соғломлиги ва баркамоллигини таъминлаш, ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқлигини барчамиз яхши биламиз.

Жумладан, жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили", деб аталиши, шу муносабат билан Давлат дастури қабул қилинганлиги ва бу борадаги қонунчиликни замон талабларига уйғун равишда такомиллаштириш масаласига эътибор қаратилаётгани ҳам юртимизда "Соғлом фарзанд соғлом онадан туғилади ва мустаҳкам оилада камол топади", деган оддий ҳақиқатни яна бир карра исботлаб берди. Шунингдек, бу муҳим ҳужжат оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиш, жисмонан бақувват, маънан етук баркамол авлодни вояга етказишда унинг ўрнини янада ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантириш каби аниқ мақсадларни қамраб олганлиги билан эътирофга сазовордир.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бу мустақиллигимизнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. "Она ва бола йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили", "Оила йили" ва бошқа номлар билан аталган йилларда амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом бола тарбиялашдек олижаноб мақсадга ҳамоҳангдир. Ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг бахт-саодати, ёруғ келажагини кўришни ният қиламиз.

Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳаси, ҳар бир лаҳзаси оила билан боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Оилавий муносабатлар, оилавий муҳит жамият муҳитига таъсир кўрсатиши ҳам ўз-ўзидан аён. Шу боисдан ҳам оилада соғлом муҳитни шакллантириш давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга.

Бу борадаги ишлар мамлакатимизда аллақачон самарали тизимга айланганлиги Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи, десак муболаға бўлмайди.

Бола, энг аввало, оила муҳитида, фақат ота-она бағрида беминнат меҳр оғушидагина бахтиёр бўлиб вояга етади. Шу боисдан ҳам ҳар бир бола меҳр ва эътибордан четда қолмаслиги учун юртимизда барча ҳуқуқий асослар яратилганлигини ҳам алоҳида эътироф этиш даркор. Масалан, болани фарзандликка олиш ҳам оиладаги соғлом муҳитга жуда боғлиқ. Шунга кўра, фарзандликка олиш тартиби янада қонунийлаштирилди.

Фарзандликка олиш илгари, туман ва шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ амалга оширилган бўлса, эндиликда фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Боланинг бегонаси бўлмайди. Болани фарзандликка олиш истагида бўлган шахслар Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ тегишли ҳужжатлар билан бевосита судга мурожаат қилади.

Бу эса жаҳон тажрибасига мос келади. Чунки АҚШ, Германия, Буюк Британия каби ривожланган давлатларда, шунингдек, МДҲ давлатларининг аксариятида фарзандликка олиш фақат суд тартибида амалга оширилади ва бу каби масалалар суд қарори асосида тартибга солинади.

Шу билан бирга, ота-она қарамоғида бўлмаган болаларни фарзандликка олиш тартиблари ҳам турли давлатларда турлича.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, мамлакатимизда қабул қилинган қонунга мувофиқ фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олинади.

Яна шу нарса қатъий белгилаб қўйилдики, ота-онанинг болани фарзандликка олинишига розилиги нотариал тасдиқланган ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола жойлашган муассаса раҳбари томонидан ёки фарзандликка олиш амалга оширилаётган жойдаги ёхуд ота-она яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тасдиқланган аризада баён этилган бўлиши керак.

Хулоса ўрнида, фарзандликка олишдаги бундай янги тартибнинг жорий этилиши вояга етмаган шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоясини таъминлаши шубҳасиз.

**Зебинисо МИРЗАЕВА,**
**Нурота туман ФҲДЁ бўлими мудириаси**

# Ҳуқуқий маслаҳатхона



## Кафиллик шартномаси

### У менга қимматга тушмайдими?

**ХУСУСИЙ корхона раҳбариман. Яқинда бир дўстим банкдан кредит олмоқчилигини, корхонам кафил бўлишини сўради. Агарда унга хусусий корхонам кафил бўлса, кейинчалик кредитнинг қайтарилмаслик ҳолати юзага келганда, корхонам ҳам жавобгар бўладими? Кафиллигим қимматга тушмайдими?**

**М.ЖАМОЛОВА,**
**Навоий шаҳри**

— Фуқаролик кодексининг 292-моддасига кўра, кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

Кодекснинг 293-моддасига кўра, қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар.

Кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан, фоизлар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

Агар кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, биргалашиб кафил бўлган шахслар кредитор олдида солидар жавоб берадилар.

**Саволга Навоий шаҳар 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Илҳомжон САЛОМОВ жавоб берди.**

# Тинчлик ва хотиржамлик кафолати

ХАЛҚИМИЗНИНГ тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси эканлигини барчамиз яхши биламиз. Тинчлик ва осойишталикни асраш борасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид миллий тизим яратилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, 2014 йил 14 майда **"Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинган бўлиб, у ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари, турлари, бундай профилактикани амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатлари ўз аксини топган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид миллий тизим маънавий, назарий-методологик, ташкилий-ҳуқуқий асосларга эгалиги жаҳон ҳамжамиятининг ҳам эътиборини тортмоқда. Айрим мустақил халқаро ташкилотлар томонидан жаҳон миқёсида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича эълон қилинган индексда Ўзбекистон ҳуқуқтартибот ва хавфсизликни таъминлаш бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллагани олиб борилаётган изчил профилактик тадбирларнинг самараси, албатта.

Қонунга кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими тушунилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари сифатида қонунийлик, инсонпарварлик, тизимлилик, ишонтириш усулининг устуворлиги, таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш белгиланган.

Қонуннинг 13-моддасида адлия органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, унга кўра, адлия органлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф қилишга, жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳамда мувофиқлаштириб бориши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши кўрсатилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари сифатида профилактика суҳбати, расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш, мажбурий назорат ва бошқалар белгиланган.

Қонунга асосан давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузиши мумкин. Ихтисослаштирилган муассасалар ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатади.

Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларни чекланишига, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалада бўлишга, шахсий ҳаёт, ёзишмалар, телефонда сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа хабарлар сир сақланиши, бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш ва яшаш жойини танлаш, шахсий ва уй-жой дахлсизлиги бузилишига йўл қўйилмаслиги аниқ кўрсатилган. Шунингдек, ўзига нисбатан профилактика чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органнинг ёки муассасанинг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилишга ҳақли ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда **"Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши жамиятда ҳуқуқ-тартиботнинг мустаҳкамланиши билан бирга юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилади.

**Нодира ШАРИПОВА,**
**Навоий шаҳар 4-сон давлат нотариал идораси нотариуси**



## Адлия тизими фаолияти: Тошкент вилояти

# Тадбиркорга кенг имконият

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2015 йил 15 майдаги **"Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга кўра, давлат хизматларидан фойдаланишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида алоҳида давлат хизматлари кўрсатаётган "Ягона ойна" хизматларининг ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизида "Ягона дарча" тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи ягона марказлари ташкил этилиши назарда тутилди.

Фармоннинг мантиқий давоми сифатида 2015 йил 28 сентябрда қабул қилинган давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан тадбиркорлик тузилмаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилиб, 2016 йил 1 январдан бошлаб 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорларга "Ягона дарча" тамойилига асосланган давлат хизматларини кўрсатиш марказлари давлат бошқарувини такомиллаштириш билан бирга бизнес субъектларига тезкор ва сифатли давлат хизматлари кўрсатишни янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Ҳозирда ушбу марказларнинг амалга жорий этилиши тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатишда, қонунчиликда белгиланган тартибни қийинлаштиришнинг ҳар хил усулларидан, жумладан, рўйхатдан ўтиш ва лицензия олиш тартиб-таомилларини, шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолиятига қаршилик қиладиган бошқа бюрократик тўсиқлардан фойдаланишга қатъиян йўл қўйилмаслигини таъминламоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда янада қулайлик яратиш мақсадида қабул қилинган "Ягона дарча" марказларини қўшимча равишда жиҳозлаш учун замонавий ташкилий-техника ва компьютер ускунасини харид қилишни молиялаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 ноябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатадиган ягона марказларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, шунингдек, 2015 йил 14 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2412-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"**ги қарори бу борадаги ишларни янада жадаллаштирди.

Юқоридаги қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига адлия органлари ходимларининг чегараланган миқдорини сақлаб қолган ҳолда "Ягона дарча" марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий кўмак кўрсатиш вазифалари юклатилган.

Ушбу вазифалар ижросини тўлиқ ва сифатли бажариш мақсадида вилоят адлия бошқармаси томонидан туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги "Ягона дарча" марказлари ва марказлар орқали давлат хизматларини кўрсатувчи идора ва ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилиниши аҳволи доимий равишда назорат қилиб борилмоқда.

Хусусан, "Ягона дарча" марказларини ташкил этиш бўйича барча туман (шаҳар)даги мутасадди ташкилот раҳбарларидан иборат идоралараро ишчи гуруҳлари тузилди ва мазкур ишчи гуруҳларни назорат қилиш, услубий ёрдам кўрсатиш ва мувофиқлаштириш мақсадида, вилоятнинг мутасадди ташкилот раҳбарларидан иборат таркибда вилоят идоралараро ишчи гуруҳи ҳам ташкил этилиб, унинг тегишли вазифалари белгилаб берилди.

Бугунги кунда, Тошкент вилоят туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги "Ягона дарча" марказлари томонидан тадбиркорлик субъектларига 16 турдаги давлат хизматлари бўйича 2000 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Жумладан, тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига "тугалланган ҳолда" улаш бўйича 402 та, ер участкалари бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома бериш бўйича 135 та, алкоголи маҳсулотлар билан чакани савдони амалга ошириш ҳуқуқига рухсат гувоҳномаси бериш бўйича 374 та, бино ва иншоатлар, кўп йиллик ўсимликларга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича 183 та тегишли рухсатномалар ва гувоҳномалар расмийлаштириб берилган.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтказилаётган ўрганишлар натижасига кўра, марказлар орқали давлат хизматларини кўрсатувчи идора ва ташкилотлар томонидан тадбиркорларнинг мурожаатлари асоссиз равишда рад этилган, муддати кечиктирилган ҳамда қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келаётган ҳолатлар мавжудлиги аниқланиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Мисол учун, Қибрай туманида фаолият юритувчи "Гулсанам Файз" МЧЖ раҳбари томонидан жорий йилнинг 7 январь куни алкоголь маҳсулотлар билан чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига рухсат гувоҳномасини олиш учун "Ягона дарча" марказига мурожаат қилган. Марказ томонидан тадбиркор мурожаати қабул қилиниб, тегишли рухсатномани расмийлаштириш учун Қибрай туман ҳокимлигига юборилган. Тадбиркор мурожаати туман ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш бўйича бош мутахассиси Р.Таджибоевга келиб тушган. У томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган рухсат гувоҳномаси марказга юборилмасдан тўғридан-тўғри тадбиркорлик субъектига тақдим этилган.

Мазкур аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан туман ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш бўйича бош мутахассиси Р.Таджибаевга нисбатан маъмурий баённома тузилиб, ваколат доирасида кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судига юборилди.

Шунингдек, "Ягона дарча" марказларини юксак салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш вазифаси адлия идораларига юклатилганлиги сабабли, ҳуқуқшунослик, иқтисод, солиқ ва молия соҳаларида етарли малакага эга бўлган, замонавий фикрлайдиган ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллаган кадрлар билан таъминлаш мақсадида вилоят адлия бошқармаси томонидан марказларни малакали кадрлар билан тўлдириш юзасидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 2,15,19 февраль кунлари марказларга ишга қабул қилиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тавсия қилинган 61 та номзодлар билан суҳбат ўтказилиб, шундан 29 нафар номзодга ишга қабул қилиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

**Салоҳиддин САТТАРОВ,**
**Тошкент вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари**

# Болаларимиз келажаги ва саломатлиги

## ҳақида қайғуриш энг олий, энг устувор вазифа

ДУНЁ ҳамжамияти томонидан эътироф этилганидек, бағрикенглик, хайр-саховат, меҳр-мурувват, тинчлик-тотувлик, бунёдкорлик, эртанги ёруғ кунларга ишонч ва интилиш, фарзандлар камолини кўришдек олий мақсадлар билан яшаш каби миллий қадриятларимиз давлатимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсати билан ҳамоҳанг истиқлол берган буюк неъматларда тобора яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, болапарварлик халқимизга хос бўлган азалий хислат. Зотан, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда кенг миқёсда олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида оналар ва болалар ўлими 3 баравар, ногирон болалар туғилиши эса деярли 80-90 фоизга камайди. Ер юзининг кўплаб ҳудудларида болалар тўйиб овқат емаслик, турли касаллик, очлик ва қаровсизликдан бевақт оламдан кўз юмаётган бир пайтда ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш модели минтақа мамлакатлари учун намуна сифатида эътироф этилгани ҳар биримизнинг қалбимизда чексиз фахр-ифтихор туйғусини уйғотмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига таяниб айтадиган бўлсак, оналар ва болаларга керакли даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар ўн минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги жаҳон рейтингини тузувчилар томонидан мамлакатимизда бу кўрсаткич ҳатто энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳам халқаро стандартларга тўлиқ мос келиши эътиборга олинди.

Ўзбекистон "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олди.

ЮНИСЕФнинг ижтимоий мониторинг ва бошқа тадқиқотларида Ўзбекистонда болаларнинг соғлигини асраш, уларни касбга йўналтириш борасида давлат харажатлари ҳажми Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг катталиги, оналар ва болалар фаровонлигининг айрим кўрсаткичлари бўйича республикамиз халқаро форумларининг яқин келажак учун ишлаб чиққан тавсияларидан ўзиб кетганлиги кўп бора таъкидланган.

Яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтиш жоиз. Мамлакатимизнинг барча жойларида яратилган муҳташам тиббиёт мажмуалари, ҳомиладор аёлларни махсус қувватлантирувчи дори-дармонлар билан таъминлаш, аёлларга туғиш пайтида тезкор ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, она ва бола саломатлиги доимий равишда малакали тиббиёт ходимларининг назоратига олиниши ҳамда барча тиббиёт муассасалари энг замонавий техник анжомлар билан жиҳозланиб, махсус автотранспорт билан таъминланганлиги юқоридаги халқаро ташкилот томонидан юқори баҳоланиб, бу кўрсаткичлар бўйича рейтингда тўққизинчи ўринга муносиб топилди. Дунёдаги АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия каби ривожланган бошқа кўпгина давлатлар ҳам бу кўрсаткичга эришолмади.

Давлатимиз раҳбари 2016 йилни "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилар экан: **"Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади. Асрлар давомида ўз тасдиғини топган бу ҳақиқатни тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман"**, дея алоҳида таъкидлади.

Бунинг замирида бола тарбиясида оиланинг беқиёс ўрни, ота-онанинг бола тарбияси учун, айниқса, соғлом бола камолоти учун масъулияти юқори эканлиги ифодаланган.

Ҳақиқатан, оила мустаҳкамлиги, фарзандлар камоли ва тарбиясини оила ва аёл иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини ишлаб чиқишда ҳам биринчи навбатда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом муҳитни кучайтириш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, хотин-қизлар саломатлигига эътибор берган ҳолда соғлом оилаларни шакллантириш, аёллар ва қизлар спортини ривожлантириш ва шулар асносида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги белгиланди.

Оила мустаҳкамлигини таъминлаш ҳақида гап кетганда, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги **"2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"**ги Қарори бу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш керак.

Ушбу дастур аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида оналар ва болалар соғлигини сақлаш бўйича сифатли тиббий хизматлардан кенг фойдаланишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Аъзамжон САРАБЕКОВ,**
**Тошкент вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари**









Қадим ва навқирон Наврўзи оламни кенг нишонлаётган барча элдошларимизни ушбу айём билан қутлаб, ўз самимий тилак ва истакларини йўллайди. Корхона шаклланганига ҳали кўп бўлмаса-да, қувонч ва таҳсинга лойиқ бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Жамоанинг самарали, сифатли ва унумли меҳнати бароборида белгиланган муддатларда буюртмачилар ихтиёрига берилаяпти. Ушбу байрам арафасида ҳам қатор бунёдкорлик ишлари муваффақиятли суръатда ниҳоясига етказилди.

Бундай эзгу ишларнинг кўлами янада ортади.
Байрам муносабати билан Сиз азиз халқимизни самимий муборакбод этамиз. Хонадонингиз файзу баракага тўлсин!

**УРГАНЧ ШАҲРИДАГИ "СУҲРОБ — ОТАМУРОД" ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**


# Ёшлар таълим-тарбияси — энг олий саодат

МУСТАҚИЛЛИК йилларида бошқа соҳалар қатори халқ таълимидаги ислоҳотлар ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг "Ўзбек модели"ни бугунги кунда бутун дунё ҳамжамияти тан олмоқда.

Барча билим даргоҳлари қатори бизнинг мактабимизда ҳам таълим мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Илм масканимиздаги 1825 нафар ўқувчига 146 нафар олий маълумотли педагог таълим-тарбия бермоқда. Ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал қобилиятларини ўстириш ва ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган тадбирларнинг барчаси ўғил-қизларнинг қизиқиши, ҳавас ва интилишларини рўёбга чиқаришга, уларни таълимнинг кейинги босқичига тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларимиз замирида Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланган **"Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди..."**, деган шарқона ҳаёт фалсафаси ўз аксини топмоқда.

"Ҳуқуқ билимдонлари" беллашуви, "Келажагинг сенинг қўлингда" семинар-тренинги, "Жаҳолатга қарши маърифат" мавзуидаги шеър ва иншолар танлови, "Мутахассислигинг — сенинг келажагинг" каби тадбирлар ва муқаддас қадамжоларга, тарихий ўлкашунослик музейларига саёҳат, барча-барчасида ана шу гоя мужассамлашган.

Иқтидорли ўқувчимиз Алишер Яхшимуродовнинг "Юксак маънавиятли авлод" Республика кўрик-танловининг Президент асарлари билимдони йўналишида иккинчи ўринни эгаллаши, Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлиш учун интилаётган Ёқутхон Давронова, Азиза Мажидова, Нигина Қурбонова каби зукко ва билимдон қизларимизнинг Республика босқичи поғонасигача етиб бориши бизнинг фахримиз, албатта. Ўтган йили ўқувчиларимиз "Камалак билимдонлари" кўрик-танловининг Республика босқичида учинчи ўринни эгаллаган бўлса, тарих, ҳуқуқ, она тили, иқтисод, биология фанларидан "Билимлар беллашуви"да ҳар йили фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ўқувчиларимизнинг бундай ютуқларни қўлга киритиши замирида педагогларимизнинг катта хизматлари, машаққатли меҳнатлари, тинимсиз изланишларини кўриш мумкин. Кейинги йилларда Райҳона Сатторова, Муаттар Ҳалимова, Гулруҳ Раҳмонова, Малика Хушмуродова, Дилбар Тоғаева, Зилола Ортиқова, Шахноза Шералиева, Дилноза Ёдгорова каби ўқитувчиларимизнинг тажрибалари Республика миқёсида оммалаштирилганлиги, Миллий истиқлол ғояси фани ўқитувчиси "Энг яхши Камолот етакчиси" кўрик-танловининг Республика босқичи ғолиби Баходир Жўраевнинг "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонига сазовор бўлгани таълим масканимизнинг обрў-эътиборидан далолат беради.

Билим даргоҳимизда таълим-тарбия ишлари билан бир қаторда ёшларнинг экологик маданиятини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мактабимизда "Экобоғ" ташкил этилган бўлиб, унда ҳар бир ўқувчининг ўз дарахти, ўз қўли билан экиб парвариш қилаётган гули бор. Бунда ўқувчилар қалбида табиатга меҳр уйғотишдан ташқари, уларнинг бўш вақтларини бекорчи хаёллар билан ёки мақсадсиз компьютер ўйинларига сарфлашнинг олди олинмоқда. Шу боисдан ҳам ўтган йили "Энг обод таълим муассасаси" Республика кўрик-танловида учинчи ўринга сазовор бўлдик. Бу йил баҳорни мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари парвариш қилган ўн минг туп ёронгул ва атиршоҳ билан кутиб олдик.

Мақсадимиз битта — ёшларга бераётган таълим ва тарбиямиз фақат саодат келтирсин, келажагимиз эгаларининг порлоқ истиқболини таъминлашга хизмат қилсин.

**Нозима ТОҒАЕВА,**
**Навоий шаҳридаги 16-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори**

# Сифатли тиббий хизмат

## оналарга қувонч, болажонлар дардига шифо бахш этмоқда

**ДОНИШМАНДЛАРНИНГ таъкидлашича, бир боланинг кўзига қувонч ҳадя эта олган инсон иморат курганнинг савобига эга бўлар экан. Шу маънода гапирганда, ҳар йили минглаб болажонлар дардига малҳам бўлаётган бизнинг Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази жамоаси ҳамиша ўз ишидан мамнунлик ҳис этади.**

Шуни эътироф этиш керакки, ҳукуматимиз томонидан тиббиёт тизимини ислоҳ этишга қаратилаётган юксак эътибор Фарғона шаҳар 3-сонли шифохонаси негизида 285 ўрин жойга эга бўлган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг ташкил этилишида ҳам намоён бўлди. Бунинг учун инвестиция дастурига асосан 1,7 миллиард сўм маблағ сарфланиб, марказ бино ва иншоотлари тўлиқ капитал реконструкция қилинди. 2014 йилда эса қарийб 3 миллиард сўмлик маблағ эвазига 30 ўринли "Офтальмология", 30 ўринли "Кардиоревматология", 10 ўринли "Неаноталогия" бўлимлари учун 3 қаватли янги бино қурилди, марказнинг консультатив поликлиникасида капитал реконструкция ишлари амалга оширилди. Шунингдек, марказимиз икки томонлама электр таъминотига эга бўлди.



Муассасамиз ҳаётидаги қувонарли воқеалардан яна бири шуки, сўнгги йилларда Германия ва Японияда ишлаб чиқарилган 23 турдаги замонавий тиббий анжомлар билан босқичма-босқич жиҳозланмоқда. Айни пайтгача уларнинг 720 миллион сўм ва 116.730 АҚШ доллари қийматдагиси келтирилди.

Бугунги кунда марказимизда республикамиз ва хориж клиникаларида малака оширган мутахассислар томонидан мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан "Сен ёлғиз эмассан" Республика болалар жамғармаси ҳомийлигида "Болаларга табассум", "Фарзанд таббасуми — оила қувончи" хайрия акциялари доирасида 82 нафар болада ЛОР, травматология, офтальмология, пластик жарроҳлик йўналишларида ўтказилган амалиётлар шулар жумласидандир. Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида Сингапур давлатидан ташриф буюрган тиббиётчилар, "Smile Asia" халқаро ташкилоти мутахассислари ва Тошкент Педиатрия тиббиёт институти олимлари томонидан юз-жағ ва лаб-танглай соҳасида нуқсони бор 60 нафар болада пластик жарроҳлик амалиётлари юқори савияда ўтказилди. 2015 йилнинг 16-23 октябрь кунлари эса Туркия давлати ва Тошкент Педиатрия тиббиёт институти мутахассислари иштирокида ўтказилган акцияда вилоятимиз ва қўшни Андижон, Наманган вилоятларининг худди шундай дардга чалинган 109 нафар болажонлари жарроҳлик йўли билан даволанди, 326 нафари тиббий кўрикдан ўтказилди. Айниқса, вилоятимизда илк бор туғма юрак нуқсонли болалар жарроҳлик йўли билан даволангани эътирофга моликдир. Бундай мураккаб амалиёт марказ кардиохирурги О.Мўйдинов, жарроҳлик бўлими мудири И.Умаров, Андижон давлат медицина институти клиникаси кардиохирурги, тиббиёт фанлари номзоди А.Турғунов ва Тошкент кардиология маркази анестезиолог-реаниматологи, тиббиёт фанлари номзоди С.Омоновлар томонидан амалга оширилди.

Бундан ташқари, беморларда "Туғма юрак нуқсони, очиқ артериал протокни боғлаб тикиш" операцияси ҳам ўтказилиб, реанимация бўлимида интенсив муолажалар олиб борилди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўтган 2015 йилдан буён болаларда учровчи "Кўкрак қафаси деформацияси" туғма нуқсонлари марказимиз жарроҳи Тўлқинбой Болтабоев томонидан Андижон давлат Тиббиёт институти доценти Жўрақул Жумабоев ҳамроҳлигида жарроҳлик йўли билан самарали даволанмоқда.

Албатта, марказимизда олиб борилаётган бундай намунали ишлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги томонидан муносиб баҳоланиб, 2015 йилнинг сентябрь ойида "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши даволаш-профилактика муассасаси" республика кўрик-танловининг дипломи билан тақдирланди. Энг муҳими, орттирган тажрибаларимиз "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини муваффақиятли таъминлашимизда қўл келади.

**Азамжон АБДУРАЗАҚОВ,**
**Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори**






# Бож сиёсати – жамият барқарорлиги гарови

ИНСОНИЯТ қўлидаги тарихий фактлар, маълумотлар, топилма ва далиллар бож-хирожга оид йиғимлар давлатчилик пайдо бўлганидан ҳам анча аввал — ер юзида илк ҳуқуқий муносабатлар юзага келган даврлардаёқ жамият ҳаётига кириб келганини кўрсатади. Шунингдек, бож муносабатлари ўтмиш ҳукмдорлари ғазнасини маблағ билан барқарор таъминлашдан ташқари, асрлар мобайнида муайян давлатнинг шаъни, ғурури, обрў-эътибори, қолаверса, куч-қудратининг ўзига хос ифодаси, рамзи, тимсоли бўлиб келганига ҳам кўҳна тарихимиз гувоҳ.

Бож тўловлари билан боғлиқ иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар узоқ яқин минтақаларнинг аксарият ҳудудларини қамраб олган Соҳибқирон Амир Темур давлати барқарор йилларда, айниқса, ривож топган. Тарихий манбалар божхона тизими ушбу даврлардаёқ давлатнинг иқтисодий қудрати ва хавфсизлиги гаровига айланганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида божхона муассасалари истиқлолимизнинг ўзига хос рамзи сифатида 1991 йилиёқ ҳаётимизга кириб келди. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони мустақил давлатчилигимизни шакллантиришнинг муҳим босқичи сифатида тарих саҳифаларидан жой олди.

1997 йилга келиб Божхона кодекси, "Давлат божхона хизмати тўғрисида" ва "Бож тарифи тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Мамлакатимизда шу соҳага оид яратилган турли қонун-ости меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар сони ҳозирга келиб 350 га етди.

Замонамиз тобора шиддат билан ривожланиб, олға интилаяпти. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, сўнгги ўн йилликлар мобайнида жаҳон саҳнида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳада кескин ва жадал ўзгаришлар, катта ва самарали интеграциялашув жараёнлари кузатилаяпти. Одамлар онг-тафаккури эса бундан-да жадал суръатлар билан ривожланаяпти. Бу жараёнда ер юзи ҳаётининг иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатларини тубдан янгилаш, қонунчиликни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилаяпти.

59 боб, 412 моддани ўз ичига олган янги таҳрирдаги Божхона кодекси 2016 йил 21 январда матбуотда эълон қилинди.

Таъкидлаш жоиз, янги таҳрирдаги кодекс амалдаги кодексга қараганда анча бойитилди.

Жумладан, янги таҳрирдаги кодекс божхона назорати усулларини самарали тарзда жорий этишга хизмат қилиб, унда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг ҳуқуқлари чекланмаган. Қабул қилинган янги меъёрлар Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган товарларни божхона назоратидан ўтказиш ҳамда уларнинг божхона расмийлаштируви муддатларини қисқартириш имконини беради. Электрон декларациялаш ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш амалиёти эса божхона назорати тадбирларини янада соддалаштириб, бу жараённи бирмунча тезлаштиради.

Бож муносабатларида тўлов тартиби ва муддатлари ушбу муносабат қатнашчилари орасида ҳамиша қизиқиш уйғотиб келади. Янги таҳрирдаги кодексда айнан шу масаланинг мақбул ечимлари ўз ифодасини топган. Чунончи, божхона тўловларини кимлар амалга оширишга ҳақли экани, унинг муддати, тартиби ва шакли аниқ белгиланган. Олдиндан амалга оширилган божхона тўловлари ҳисобига тегишли маблағни тўлаш имкониятлари сезиларли даражада кенгайтирилган ҳамда божхона тўловлари муддатини узайтириш ёки кечиктириш асослари кўрсатиб берилган. Аниқлик киритилган меъёрлар орасида божхона чегарасидан транспорт воситаларини олиб ўтиш ҳамда халқаро почта жўнатмаларига таaллуқли боб ва моддалар ҳам киритилган.

Жумладан, янги таҳрирдаги кодекснинг "Тижорат мақсадларида фойдаланиладиган транспорт воситаларини олиб ўтиш", деб номланган бобида халқаро юк ташувларига дахлдор транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувини соддалаштирилган тартибда амалга ошириш кўзда тутилган. Талаб тобора ортаётган халқаро почта жўнатмаларига доир масалаларга ҳам жиддий аниқлик киритилган. Почта жўнатмалари орқали юборилаётган товарларнинг божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказилиши тартибини белгиловчи нормалар кодекс матнидан жой олган.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида валюта бойликлари ва унинг назорати билан боғлиқ тадбирлар алоҳида ўрин тутади. Бу масалага ҳам тўла аниқлик киритилган. Янги таҳрирдаги кодекснинг 244-моддасида Давлат божхона қўмитаси валюта назоратини амалга оширувчи органлардан бири экани қайд этилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо операциялари соҳасида бошқа ваколатли органлар, шунингдек, банклар ва ўзга ташкилотлар билан ахборот алмашиш, шу жумладан, ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ахборот алмашиш йўли билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби белгиланган.

Ишонч билан айтиш мумкинки, янги таҳрирдаги Божхона кодексининг амалга киритилиши туфайли бизнесни юксалтириш ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар очилади. Янги таҳрирдаги кодекс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида самарали божхона назоратини таъминлаш, товар айланмасини тартибга солиш, ташқи савдони ривожлантириш ҳамда ички бозорни сифатсиз, контрафакт маҳсулотлардан ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади.

Кодекс умумэътироф этилган халқаро меъёрлар, жумладан, "Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисида"ги халқаро Киото конвенцияси (1999 й.), "Бутун жаҳон почта конвенцияси" (Женева 2008 й.), "Вақтинча олиб кириш тўғрисида"ги Истамбул конвенцияси (1990 й.), "Бутунжаҳон савдо ташкилотининг Тариф ва савдо бўйича бош келишуви" (1994 й.) ва МДҲга аъзо давлатларнинг божхона қонунчилигидаги каби халқаро стандартлардаги бож қоидаларига уйғун ҳамда ҳамоҳанглиги билан изоҳланади.

Янги таҳрирдаги Божхона кодекси алоҳида юридик субъектлар ёки айрим шахсларнинг қарашларини эмас, балки бутун мамлакат аҳлининг манфаатларини ифодалаши билан, айниқса, муҳимдир.

Шу кунларда бутун мамлакатимиз, жумладан, Хоразм вилоятида ҳам мазкур кодексни амалга киритиш билан боғлиқ ташкилий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилаяпти. Бундай тадбирларга вилоят адлия бошқармаси ҳам фаол бош қўшаяпти. Бутун вилоят бўйлаб давом этаётган тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш тадбирлари вилоят Давлат божхона бошқармаси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Март ойининг биринчи ўн кунлигида мазкур ҳужжат тақдимотининг вилоят босқичи ўтказилди. Айтиш лозимки, адлия ва божхона ходимлари ўртасидаги бу каби манфаатли ҳамкорлик алоқалари кўпдан буён давом этаяпти ва имонимиз комилки, ҳамкорликдаги бундай саъй-ҳаракатлар келгусида ҳам ўзининг муносиб самарасини беради.

Халқимиз баракали ва самарали кечаётган фаслларнинг яна бирига қадам қўйди. Она-табиатнинг шу кунлардаги ажойиб эҳсонлари нафақат баҳор айёми, балки йилнинг ҳам мўл қут-баракасидан дарак бераяпти. Йилни яхши бошладик. Қалбимизда эса баҳорий байрам Наврўзи олам кўтаринкилиги. Ушбу шодиёна яқинда яна бир ажойиб воқеага уланади. Юртимиз равнақи ва фаровонлиги, бозор муносабатлари, қолаверса, демократик тартиб-таомилларнинг янада чуқурлашувига хизмат қилувчи, янги таҳрирдаги Божхона кодекси кучга киради. Олдимизда эса янада истиқболли ва сервиқор уфқлар турибди.

**Илгизар САБИРОВ,**
**Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғи**

# Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш

## тизимдаги ислоҳотларнинг бош мақсадидир

**СИР эмаски, истиқлол йилларида амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсади мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлигини таъминлашга қаратилган.**

Адвокатура тизимидаги кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар ҳам шулар жумласидандир. Бош Қомусимизнинг 116-моддасида **"Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади"**, дея қайд этилган конституциявий қоида ўзининг ҳаётий ифодасини топмоқда.

Шу ўринда бир жиноят ишига эътибор қаратсак. Шифохонанинг "Жарроҳлик бўлими" мудири Муҳаммаджон Саидносиров (исм-шарифлари ўзгартирилган) бемор Роҳила Турсуновани жарроҳлик йўли билан даволаган. Сўнг ундан операция қилгани учун 100.000 сўм пул олиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган. Орадан уч кун ўтиб, операция ўрнидаги тиббий чок ипларини олиш жараёнида яна шунча ҳақ беришни талаб қилгач, Р.Турсунова бу хусусда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ариза билан мурожаат этган. Натижада М.Саидносиров бемор аёлдан яна 100.000 сўм пул олаётган вақтда ушланган. Дастлабки тергов органи томонидан унга нисбатан Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "в"-банди билан жиноят иши қўзғатилган. Аммо тергов ва суд жараёнида аён бўлдики, жиноят иши мазкур модда билан нотўғри квалификация қилинган. Чунки айбдор пулни бўлим мудири лавозимидан фойдаланган ҳолда эмас, балки шифокор сифатида — операция қилгани учун хизмат ҳақи тариқасида олган. Бундай ҳолда иш Жиноят кодексининг 214-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиниши лозим. Шу боис суд М.Саидносировнинг жиноий ҳаракатларини Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "в"-бандидан кодексининг 214-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиб, уни шу моддага асосан айбдор деб топди. Пировардида, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

2008 йил 31 декабрдаги **"Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонунига мувофиқ соҳага оид бир нечта Қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди. Хусусан, "Адвокатура тўғрисида"ги қонунда белгиланган адвокатларнинг далилларни йиғиш, тақдим қилишдаги ҳуқуқлари анча кенгайди. Қонуннинг 87-моддасига эса "Ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни: ишга таaллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақли. Ҳимоячининг ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ тўпланган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан албатта қаноатлантирилиши керак", деган қўшимча киритилди.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $197^{1}$-моддасида адвокат сўровига жавоб тақдим этмасликда ифодаланган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгиланди. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар адвокатларнинг ҳуқуқларини кенгайтириши баробарида уларни ўз устида ишлашлари, билим ва тажрибаларини бойитиб боришларига ҳам ундайди. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий талабидир.

**Жўрабек ХЎЖАХОНОВ,**
**Фарғона шаҳридаги "Фарғона адолат қалқони" адвокатлик фирмаси адвокати**






ASAKA BANK

# Тадбиркорга мадад – тараққиётга даъват

ЮРТИМИЗДА тинчлик, бунёдкорлик, халқимиз фаровонлигини янада ошиpишда бошқа соҳалар каби банкларнинг алоҳида ўрни бор. Бу борада Сурхондарё вилоятида ҳам катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, "Асака" банк Сурхондарё вилоят филиали мижозларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига самарали равишда йўналтириб, бу маблағларни омонатчилар, мижозлар ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда кўпайтириб бормоқда.

Банк филиали кредит портфели ҳажми 2016 йил 1 январь ҳолатига 78,7 миллиард сўмдан ошди. Кредит қўйилмаларининг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

Банк филиали жамоаси иқтисодиётнинг барча тармоқларини янада ривожлантириш билан бир қаторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўтган йили банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жами 45,0 миллиард сўмдан зиёд миқдорда кредитлар ажратилди.

Жумладан, тадбиркор аёллар томонидан таклиф этилган лойиҳаларни молиялаштириш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали уларнинг республикамиз иқтисодий ва ижтимоий соҳаларидаги ўринларини янада мустаҳкамлаш ҳамда келгусидаги ривожланиш жараёнларига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида имтиёзли шартларда жами 10,0 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ажратилган кредитларнинг асосий қисми саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Бу орқали янги иш ўринлари ташкил этилиб, хотин-қизларни, айниқса, ёшларни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари ҳал этилганлиги, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари яхшиланганлиги алоҳида таҳсинга сазовор.

Тадбиркорлик субъектларининг молиявий ва моддий-техникавий салоҳияти тубдан мустаҳкамланмоқда. "Гулобод Боли" фермер хўжалигининг банк билан молиявий соҳалардаги ҳамкорлиги буни яққол исботлайди. Паррандачилик хўжалиги банкнинг кредит сармояси туфайли қаддини тиклабгина қолмасдан босқичма-босқич ривожланишга ҳам муяссар бўлаяпти. Банкдан олинган кредит маблағи эвазига яқинда бу ерда яна 10 та янги иш ўрни яратилди. Энг муҳими, етиштирилган тухум ва парҳез



гўшти бозорда бу хил маҳсулотлар нархининг пасайиши, сифат кўрсаткичларининг эса ортишига олиб келаяпти.

Банк филиали томонидан 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жами 59,0 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, "Асака" банк Сурхондарё вилоят филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қулайликлар яратиш сиёсати муҳим устувор вазифалардан саналади. Банк филиали жамоаси мазкур соҳанинг ривожи иқтисодий муваффақиятлар учун асосий омиллардан бири эканини яхши англаган ҳолда ўз фаолиятларини йўлга қўйганлар.

* * *

**Бахриддин ҚОБИЛОВ, "Гулнор Текстиль Янгиарик" хусусий корхонаси раҳбари:**

— Банклар иқтисодиётнинг қон-томирларига қиёсланиши бежиз эмас. Банкларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашлари биз учун айни муддао бўлмоқда. Бу соҳада "Асака" банкининг фаолияти таҳсинга сазовордир. Банк сармоялари тадбиркорлик субъектлари фаолияти ривожига катта мадад бўлмоқда.

Бугун мамлакатимизда кичик корхона очиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни ёки хизматлар кўрсатишни ташкил қилаётган тадбиркорларимиз сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Бунинг сабаби эса мамлакатимизда ишбилармонлик ҳаракатига барча қулайликлар яратиб берилаётганида, деб биламан.

Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамизнинг ташкил этилишига ҳам ана шу эътибор ва рағбат туртки бўлди.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги замонавий ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида кредит олиш учун "Асака" банкининг Сурхондарё вилоят филиалига мурожаат этдик. Банк ходимлари бизнинг талабимизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилди. Банк кредити ҳисобига хорижда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарни келтириб ўрнатдик. Ҳозирда жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган юқори сифатли тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз. Натижада қўшимча 12 та янги иш ўрни яратилди. Келгусида ўз маҳсулотларимизни хорижга ҳам экспорт қилиш ниятидамиз.

**Шодмон ШОЙМУРОДОВ, "Барлс" масъулияти чекланган жамияти бошлиғи:**

— Республикамизда қурилиш ишлари, айниқса, шаҳарсозлик улкан даражада ривожланмоқда. Шу сабабли қурилиш материалларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Шундай бир шароитда "Асака" банкининг Сурхондарё вилоят филиалидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш учун имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит олиб, хориждан замонавий ускуналар олишга ва ишлаб чиқариш биносини замонавий лойиҳа асосида реконструкция қилишга эришдик. Корхонамизда истеъмолчилар талабига мос темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда, шунингдек, 10 та янги иш ўрни яратилиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишга қабул қилинди.

Таъкидлаш лозимки, "Асака" банкнинг ҳар бир мижози кўрсатилаётган тезкор ва сифатли хизматлардан жуда мамнун. "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" шиори айнан ушбу банк ходимлари учун айтилгандек.

**Шерали АЛИМОВ, "Чорбоғ Қурилиш Инвест" хусусий корхонаси раҳбари:**

— Биз иқтисодиётимиз ривожига кўмаклашиш, аҳоли ва ишбилармонларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида ўз корхонамизни ташкил этдик ва ҳисоб рақамимизни "Асака" банкининг Сурхондарё вилоят филиалида очиб, фаолиятимизни йўлга қўйдик.

Корхонамиз фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида бизнес-режа туздик. Бизнес-режани амалга ошириш учун "Асака" банкига мурожаат этдик. Банк томонидан бизнинг бизнес-режамиз истиқболли деб топилиб, қисқа муддатда корхонамизга кредит ажратиш бўйича ижобий қарор чиқарилди. Эътиборлиси шундаки, банк ходимларининг ўз ишининг устаси эканлиги, тадбиркорларга турли иқтисодий тушунтиришлар бериши ҳужжатларни сусткашликка йўл қўймасдан, биз кутгандан-да тез тайёрлашганлиги лойиҳамизни амалга оширишни янада тезлаштириб юборди.

Банкдан олинган кредит ҳисобига полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, натижада 4 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Ҳозирги кунда корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар четдан кириб келадиган маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олиши сабабли, харидоргир ҳисобланади.

Бизнинг бундай муваффақиятга эришишимизда "Асака" банкнинг кўмаги каттa эканлигини таъкидлашимиз лозим. Банкдаги амалиёт жараёнларига юқори малакали ходимларнинг жалб қилинганлиги, банк ходимлари томонидан мижозларга беминнат ёрдам кўрсатилаётганлиги таҳсинга сазовор.

**Сурайё ЯКУБОВА, "Термиз Фаровон Файз" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Термиз саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежини тамомлаганимдан сўнг юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга яратилган қулай шарт-шароитлардан руҳланиб, мен ҳам тадбиркор бўлай деб, яхши ниятлар билан халқимиз дастурхонини арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиришга астойдил бел боғладим ва ота-онам билан маслаҳатлашиб, чорвачиликни ривожлантиришга аҳд қилдим. Шу мақсадда вилоятимизда нуфузли банклардан бири бўлган — "Асака" банкнинг Сурхондарё вилоят филиалига мурожаат қилдим. Банк маъмурияти тез фурсатда зарур бўлган кредит маблағини ажратиб берди. Ушбу кредит маблағи ҳисобига зотдор қорамоллар сотиб олиб, ўз фаолиятимни бошладим, бунинг натижасида 4 та янги иш ўрни яратилди.

Келгусида сутни қайта ишлаш линияларини олиб келиб ўрнатиш ва халқимиз дастурхонини янада фаровон ва тўкин қилишга ўз ҳиссамни қўшишни ният қилиб турибман. Бунинг натижасида иш ўринлари сони 20 тага кўпайиб, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш имконияти яратилади. Албатта, бу борада "Асака" банк бизнинг яқин ва ишончли ҳамкоримиз, доимий мададкоримиз бўлиб қолади.

**(Ўз мухбиримиз)**

Банк хизматлари лицензияланган.



# Бахт калити аёл қўлларида

БУГУН тадбиркорларимиз катта имкониятларга эга бўлди. Юртимиз ишбилармонларининг чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорлик ва керак бўлса рақобат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу истиқлол шарофати, албатта. Бир вақтлар тадбиркорлар ҳақида гап кетгудек бўлса, энг аввало, кўз ўнгимизга ўзини ўтга-чўққа урадиган, тўрт томонга елиб-югурадиган, агар у аёл бўлса ўзига, кўзгуга қарашга ҳам вақт топа олмаётган, елкасига катта қоп ортган, эркак бўлса гоҳо соч-соқолини олишга ҳам улгурмаётган бир аҳволдаги ишбилармонларнинг қиёфаси намоён бўларди.

Холисхон Қудратова асли болалар шифокори. Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тугатгач, шифокорлик сирларини ўрганди, изланди. Дастлаб Ғиждувонда болалар маслаҳат поликлиникасида шифокор кейин турмуш ва тақдир тақозоси билан Зарафшон шаҳридаги поликлиникада болалар шифокори бўлиб ишлади. Фарзандлар тарбияси, оила қувонч ва ташвишлари... Ҳаммасини рисоладагидек уддалашга ҳаракат қилди, интилди ва кўзлаган мақсадларига эришди.

— Навоий шаҳрига кўчиб келганимизга ҳам салкам ўн йил бўлади, — дейди қаҳрамонимиз. — Касбимдан нолимайман. Аммо мамлакатимизда тадбиркорликка берилаётган эътибор ва имтиёзлар мени ҳам бефарқ қолдирмади. Истиқлолимизнинг фахру ифтихорини бугун барча касб эгалари қаторида мен ҳам тадбиркор сифатида ҳис этгим келди. Президентимизнинг тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги қатор Фармон ва қарорларининг ҳаётга татбиқ этилиши, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитининг яратилганлиги ва тадбиркорлар ҳимояси давлатимиз, шахсан Юртбошимизнинг диққат-эътиборида эканлиги менга қанот бўлди.

Айниқса, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги **“Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармонида кўзда тутилган имтиёзлар тадбиркорлар учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг янги даврини бошлаб берди.

— Фарзандларимнинг келажаги, бошқалардан кам бўлмай бахтиёр яшашлари, ўқишлари учун бу соҳада ҳам иш бошладим. Оиламизда саккиз нафар фарзанд бўлганмиз. Ота-онам бизни ҳеч кимдан кам қилмай ўстирган, олий маълумотли бўлишимиз учун тинимсиз қийналиб меҳнат қилган. Шундай бўлса ҳам биз талабаликда ёш оила сифатида турмушнинг анча-мунча синовларидан ўтганмиз. Турмуш ўртоғим Шавкат Шарипов билан ота-оналаримизни ортиқча уринтирмаслик учун талаба бўлсак ҳам ўзимизнинг юкимизни ўзимиз тортганмиз. Бирин-кетин фарзандларимиз дунёга келиб, катта оилага айландик. Уч ўғил, бир қизни тарбиялаяпмиз. Жажжи дилбандимиз — неварамиз ҳам бор. Катта ўғлимиз Шамшод Ички ишлар вазирлиги академияси талабаси, келинимиз Азизахон Тошкент тиббиёт академияси талабаси, яна бир ўғлимиз Миршоджон Тошкент Молия институти талабаси, қизимиз Зарина коллежда таҳсил олмоқда. Жаҳонгиримиз боғчада.

Ҳа, тадбиркорлик фаолиятини чакана савдодан бошлаган Холисхон Қудратова бугун “Жаҳон Бизнес Барака Сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари. Сервис соҳасини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси учун Навоий шаҳридагина эмас, балки вилоятда ҳам ўз ўрнини топган ишбилармонлардан. Оддий қилиб айтганда, Навоийда ҳавас қилса арзийдиган инсон. Ўтган йилда тадбиркор аёллар ўртасида ўтказилган шаҳар танловида сервис соҳасини ривожлантиришдаги хизматлари учун ғолибликни қўлга киритди. Бундан ташқари, “Қишлоққурилишбанк”нинг намунали мижози сертификатини олишга сазовор бўлган. У шаҳардаги “Чинор” маҳалласида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қўшган ҳиссаси учун вилоят ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг ташаккурномаларини олишга муваффақ бўлган. Ўтган йилнинг яна бир катта ютуғи сифатида “Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси — 2015” кўрик-танловининг Республика босқичи “Сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа” номинацияси ғолиблигини қўлга киритиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирланди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 1-даражали дипломига сазовор бўлди. Энг муҳими, халқ хизматида, одамларнинг ишончига, ҳурматига сазовор бўлган аёл.

Масъулияти чекланган жамият шарофати билан 8 нафар ишчи иш билан таъминланди. Ишчиларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар. Шаҳар аҳолисининг иш вақтига мослаб, иш икки навбатда эрталаб соат еттидан тунги ўн биргача ташкил этилган. Ишдан кеч қайтаётган фуқаролар “Жаҳон маркетдан” нону тузларини олиб кетишга одатланишган. Кундалик харид молларининг сифатли ва арзон нархда эканлиги аҳолига, айниқса, қўл келмоқда. “Қишлоққурилишбанк”дан олинган кредит ёрдамида товарларнинг тури мингдан ошди. Сервис хизматининг яна бир замонавий жиҳати — Пекиндан олиб келинган махсус чип аппарати ёрдамида товарларни назоратдан ўтказади.

Навоий шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят Кенгаши депутати Муҳаббат Темирова ҳам Холисхон Қудратова нафақат намунали тадбиркор аёл, балки ибрат олса арзийдиган оила бекаси, меҳрибон она, самимий ва камтарин инсон эканлигини алоҳида эътироф этди.

Холисхоннинг оила, фарзанд тарбияси, қуда-андачилик, қайнона-келин муносабатлари тўғрисидаги фикрларидан ҳам ибрат олса арзийди.

— Аҳил оила фарзанди бўлиб камолга етганмиз. Онамнинг дуолари мени доимо қўллаб туришини биламан. Қайнонам Зайнаб ая билан онамнинг ўртасида кўприкман. Уларга гап эмас, доимо меҳр етаклаб борганман. Улар ўртасидаги чиройли қудачилик муносабатларида, туғишган опа-сингиллардек бўлиб қолишларида нокамтарлик бўлса ҳам менинг хизматим борлигидан жуда мамнунман. Улар мендан рози, мен эса улардан миннатдорман. Келин-овсинлар жуда иноқлигимиз учун ака-укалар ўртасида ҳам меҳр-оқибат кучли.

Юртимиз тинч, халқимиз фаровон, турмушимиз обод. Фарзандларимиз бахтиёр, уларнинг эртасидан кўнглимиз тўқ. Бундан ортиқ бахт борми аёл учун?

Дарҳақиқат, бахт калити аёл қўлида. У саодат остонасида туриб оиладаги барча яқинларига, меҳрибонларига бахт, қувонч улашади. Бу қувонч эса қанча-қанча дилларни севинтиради, бир-бирига боғлайди.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**








## Адлия тизими фаолияти: Бухоро вилояти

# Келажагимиз ишончли қўлларда

МИЛЛАТИМИЗ маънавий илдизларига назар ташлаганда комил шахс тарбияси азалий қадрият сифатида намоён бўлади. Эртанги кунимизни янада юксалтиришга мустаҳкам замин яратиш, бошланган буюк ишларни давом эттиришга кучқудрати етадиган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан ҳаётга кириб келаётган етук ва баркамол, мустақил фикрлайдиган янги авлодни камол топтириш олдимизга қўйилган буюк мақсадлардан биридир.

Давлатимиз томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, саломатлигини таъминлаш, оила мустаҳкамлиги, турмуш фаровонлигини юксалтириш, соғлом ва баркамол улғайишига йўналтирилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу жараён давом этмоқда. Хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга доир 100 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда **“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”**ги (1991 йил 20 ноябрь) қонун қабул қилинди.

Ўқув-тарбия жараёни сифати яхшиланди, 12 йиллик мажбурий бепул таълим жорий этилди. Муҳташам спорт иншоотлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, замонавий мактаблар қурилиб, янгиланган таълим стандартларига мувофиқ бўлмаган ўқув масканлари реконструкция қилинди ва фарзандларимизни ўз бағрига олди.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида **“Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади. Асрлар давомида ўз тасдиғини топган бу ҳақиқатни тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман”**, дея таъкидлаб, 2016 йилни юртимизда “Соғлом она ва бола йили”, деб эълон қилди.

2016 йил 9 февралда эса Президентимиз томонидан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тасдиқланди. Унда “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади”, деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғояни жамиятимизда теран англаш ва қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини ролини оширишда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Дастурда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш каби муҳим йўналишларида услубий раҳбарлик Адлия вазирлигига юклатилди. Жумладан, янги таҳрирдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш, Жиноят кодексига фарзанди уч ёшга тўлмаган аёлларга (бола тарбияси учун таътилга чиқишидан қатъи назар) нисбатан жиноят қонунчилигини янада эркинлаштириш, уларни ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилмайдиган шахслар тоифасига киритишга қаратилган тузатишлар киритиш кўзда тутилмоқда.

Қолаверса, соғлом болани шакллантиришда таълим тизимининг ўрнини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, бошланғич таълим сифатини тубдан ошириш ҳисобидан болаларни мактабга тайёрлаш даражасини юксалтириш, илғор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш вазифаси ҳам белгиланган.

Юртбошимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида **“Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш билан боғлиқ масалалар бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади”**, дея таъкидлаб, **“2016 йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки ўтган йилга нисбатан кўпроқ маблағ ажратилиши, жумладан, таълим-тарбия соҳасига Давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимига 14 фоизи йўналтирилади. Таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари ўтган йилга қараганда 16,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпайишини”**, дея таъкидлаб ўтдилар. Ваҳоланки, энг ривожланган мамлакатларда ҳам бу кўрсаткич 5-10 фоиздан ошмайди.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги идоралар томонидан ҳам ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги ишлар кўлами жуда кенг. Хусусан, 52 маротаба оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилиш баробарида 182 маротаба оғзаки ҳуқуқий тарғибот тадбири ташкил этилди.

Республика тарғибот гуруҳи томонидан Бухоро вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилган ўқув-семинарида асосий эътибор аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қолаверса, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқ таълими, ўрта-махсус таълими вакилларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, тасдиқланган режа ҳамда келишувлар асосида ўтказилаётган тадбирларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилди. Тадбир якунида “Ватанпарварлик” мавзуи акс эттирилган қизиқарли саҳна кўриниши намойиш қилинди.

Албатта, қайд этилган ютуқлар ўзимизники. Биздан кўра, кучли ва биздан кўра, бахтли бўлишини истаётган фарзандлар ҳар биримизники эканлигини ёдда тутайлик. Уларнинг ҳаётга теран нигоҳ билан боқишлари, ишончимизни оқлашлари бугун бизнинг хатти-ҳаракатимиз, олиб бораётган фаолиятимизнинг нечоғлик тўғрилигига боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, соғлом она ва соғлом бола, деган улуғ ғояни барча юртдошларимизнинг қалби ва онгига чуқур сингдириш, баркамол авлодни вояга етказиш масаласи том маънода умуммиллий ҳаракатга айланган. Демак, соғлом она ва бола манфаатлари йўлида қилинаётган эзгу саъй-ҳаракатларни олқишлаб, бу борадаги ишларимизни янада кучайтиришда ҳар биримиз ташаббускор ва масъул бўлишимиз зарур.

**Акрам ХАЛИЛОВ,**
**Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғи**

# Имконият бор жойда...

ЭЪТИРОФ этиш керакки, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги **“Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармонига мувофиқ ташкил этилган “Ягона дарча” марказлари тадбиркорлар учун жуда қўл келмоқда. Чунки ўз номига монанд равишда 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорларга мазкур марказлар орқали айнан бир жойда 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 28 сентябрдаги **“Тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарорига кўра, 16 та турдаги давлат хизматлари рўйхатига босқичма-босқич қўшимчалар киритиб бориш назарда тутилган. Айни Қарорга биноан, тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатишда қонунчиликда белгиланган тартибни қийинлаштиришнинг ҳар хил усулларидан, жумладан, рўйхатдан ўтиш ва лицензия олиш тартиб-таомилларини, шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолиятига қаршилик қилишдан бошқа бюрократик тўсиқлардан фойдаланишга қатъиян йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан “Ягона дарча” марказларининг барча ходимлари Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган комиссия томонидан аттестациядан ўтказилди. Кейинчалик ҳар бир давлат хизматини кўрсатиш юзасидан махсус билимга эга бўлган мутахассислар иштирокида марказ ходимларига ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам ҳамкор ташкилотларни жалб этган ҳолда “Ягона дарча” марказлари фаолиятини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳолда йўлга қўйиш учун кенг кўламли ишлар бажарилди. Хусусан, туман ва шаҳар ҳокимликлари кўмагида марказларнинг аксарияти алоҳида бинога жойлаштирилди, шу жумладан, айрим марказларга янгидан бино қуриб фойдаланишга топширилди. Барча марказлар зарур иш юритиш ҳужжатлари билан таъминланди. Вилоятда 16 та давлат хизматларини кўрсатувчи 25 та ташкилот ва марказлар идоралараро электрон ҳамкорлик тизимига уланди, масъул ходимлар электрон рақамли имзоларга эга бўлишди.

Жорий йилнинг 1 мартига қадар вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидаги “Ягона дарча” марказлари орқали тадбиркорларнинг 800 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатиш бўйича мурожаатлари қабул қилиниб, қонуний ҳал этилди.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун ҳар бир давлат органи, айниқса, давлат хизматлари кўрсатувчи ташкилотларнинг мансабдор шахслари ўз масъулиятларини янада оширишлари даркор.

**Анвар РАХМАТОВ,**
**Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари**

# Тадбиркор элга мададкор

МАЪЛУМКИ, истиқлолнинг ўтган йиллари мобайнида мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, хусусан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, эркин тадбиркорлик фаолиятини қарор топтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Бухоро вилоят адлия бошқармасининг тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвестициялар бўлими томонидан жорий йилнинг 2 ойи давомида тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвестициялар ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича 40 та тақдимнома киритилди.

Қўлланилган таъсир чораларига асосан 3 та ҳужжат бекор қилиниб, қонунбузилишларга йўл қўйган 13 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилди.

Жумладан, Адлия вазирлигининг топшириғига асосан жорий йилнинг февраль ойида Қоровулбозор туман ҳокимлиги томонидан 2014-2015 йиллар ва 2016 йилнинг февраль ойига қадар тадбиркорликка оид қабул қилинган қарор, фармойиш ва хатларнинг қонунчиликка мувофиқлиги ўрганилди. Натижада айрим қонунбузилиш ҳолатлари ҳамда хато ва камчиликлар аниқланди. Масалан, туман ҳокимининг 2016 йил 4 январдаги 1-сонли қарори билан туманда давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара ҳақининг 2016 йил учун энг кам миқдордаги ставкалари ҳамда бино ва иншоотлар бўйича ижара тўловини ҳисоблаб чиқишда қўлланадиган ҳудуд зоналари бўйича коэффициентлар тасдиқланган. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарорининг 3-бандида давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси томонидан тақдим этилган ҳамда Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари билан келишилган ижаранинг энг кам ставкаларини ҳисоблаб чиқиш асосида тегишли коэффициентлар белгиланган ҳолда ҳар йили 31 декабргача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Шунга кўра, туман ҳокимининг юқоридаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилиб, ҳоким қарори ҳақиқий эмас, деб топилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвестицияларга кенг йўл очиб бериш, имтиёзлар ва преференциялар бериш, тадбиркорлар учун бошқа имкониятлар яратилиши мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлигини ҳамда турмушимиз фаровонлигини таъминлайди.

**Қайим ХОЛОВ,**
**Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими**

# Qishloq Qurilish Bank

*Барча юртдошларимизни яшариш ва янгиланиш айёми Наврўзи олам билан чин дилдан табриклаймиз. Сизларга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик, куч-қувват, шунингдек, Мустақил Ўзбекистонимизнинг гўзаллиги ва бойлигини ошириш йўлидаги бунёдкорлик ишларида янгидан - янги муваффақиятлар тилаймиз.*

**Фурсатдан фойдаланиб, қуйидаги омонат турларини таклиф этамиз.**

*Миллий валютада:*

**«Соғлом авлод»** — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
**«Омад»** — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
**«Юқори даромад»** — омонатга маблағлар 8 ойдан 15 ойгача қабул қилинади.
**«Ёрқин келажак»** — омонатга маблағлар 8 ойга қабул қилинади.



**Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.**

*Хорижий валютада:*

**«Percent»** — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
**«Profit»** — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

**Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.**

*Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:*

**«Хонадон»** — маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;
**«Мадад»** — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади;
**«Қурилишга бошланғич бадал»** — муддати — 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

**Сизнинг омонатингиз:**

- ✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- ✓ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- ✓ миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун:
(+998 71) 150-72-58, 150-39-93,
**www.qqb.uz**

***Қишлоқ қурилиш банк – фаровон ҳаётингиз хизматида!***

Хизматлар лицензияланган.







# Соғлом оила – соғлом авлод бешиги

ОИЛА жамиятнинг асосий бўғинидир. Юртимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган барча эзгу ишлар замирида жисмонан бақувват, маънан етук баркамол авлодни вояга етказиш орзуси мужассамлашган.

Фақат ўзини эмас, балки оиласини, қариндош-уруғларини, қўни-қўшнининг тинчлиги, хотиржамлиги, омонлиги тўғрисида қайғурадиган ҳақиқий ўзбекни тарбиялайдиган даргоҳ бу оила.

Юртбошимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда тобора ривожланаётган **“Соғлом оила — соғлом авлод”** ғояси йиллар давомида сайқал топмоқда, қонунлар ва қарорлар билан мустаҳкамланмоқда. Буни Бош қомусимизда оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилгани, алоҳида Оила бобининг киритилганлиги ва шу асосда Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари ва бошқа зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, бу борада тегишли ҳуқуқий пойдевор яратилганида яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш ва соғлом оилани шакллантириш учун яратилаётган имкониятлар кўп. Никоҳланувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтишини ташкил этиш, ёш қизларни турмушга узатишга йўл қўймаслик учун Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги Қонуни билан Жиноят ва Маъмурий кодексларга ўзгартишлар киритилиб, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахсларга, яъни вояга етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига киришган шахсга, вояга етмаган шахснинг ота-онасига, диний идора вакилига нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилди.

Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан эса ҳаёт давомийлигининг асоси бўлган оналарнинг, наслимиз давомчиси бўлмиш фарзандларимизнинг саломатлигини асраш борасида барча имкониятлар яратилган.

Масалан, Оила кодекси ва бошқа қонунларда ёш ва кўп болали аёлларни ишга қабул қилишда имтиёзлар белгиланганлиги, янги оила қураётган ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтаётгани, ҳомиладор аёллар ва ёш болаларнинг бепул тиббий хизматдан фойдаланаётгани оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, қизларни турмушга тайёрлаш борасидаги қатор қарор ва дастурларнинг мантиқий давоми сифатида 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили”, деб эълон қилиниши ҳам бу борадаги ижобий ишларни юқори поғонага кўтариши ва тўпланган тажрибани янада бойитиши муқаррар!

**Манзура ҚЎЛДОШЕВА,**
**Навоий шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси**

# Мурожаат ортида инсон бор

БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ 35-моддасида **“Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.**

**Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт”**, деб белгилаб қўйилган.

Шу боис жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва давлат муассасаларига мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2014 йилнинг 4 декабридан **“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирди.

Янги Қонун 5 та боб ва 31 та моддадан иборат бўлиб, Қонуннинг 3-моддасига кўра, жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас. Мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

Мурожаатларнинг шакллари ва турлари баён қилинган 4- ва 5-моддаларига кўра, мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда, аризалар, таклифлар ва шикоятлар тарзида бўлиши мумкин. Ариза — ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат. Таклиф — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат. Шикоят эса бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаатдир.

Айтиш керакки, мурожаатлар, уларнинг тури ва шаклидан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга. Қонуннинг 6-моддасида мурожаатларга қўйиладиган талаблар кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Юридик шахснинг мурожаатида эса юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкинлиги ҳам қонунда белгиланган.

Электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида ва қонунда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Мурожаат қилувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда қонунга биноан мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз давлат органлари ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди ҳамда жисмоний шахснинг илтимосига кўра, унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади. Қонуннинг 19-моддасида мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари белгиланган бўлиб, унга кўра, ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда бир ойгача бўлган муддатда, таклиф эса давлат органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

**Жамолиддин ШАЙМАТОВ,**
**Хатирчи туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси**






## Адлия тизими фаолияти: Жиззах вилояти

# Инсон манфаатлари устунлиги ҳар бир қонун ижросида намоён

ЙИЛДАН-ЙИЛГА юртдошларимиз онгида янгиланиш, хусусан, ўз ҳуқуқларини англаш борасида ўзгариш юз бермоқда. Бу, айниқса, ҳукуматимизнинг аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш учун олиб бораётган айни саъй-ҳаракатлари бесамар кетмаётганидан далолатдир. Биз, адлия органи ходимлари, бундай ижобий силжишларни фуқароларимизнинг ҳар бир мурожаатидан сезиб турамиз.

Ҳар бир мурожаат ортида инсонларнинг муаммоси, машаққат ва изтироблари, тақдири, керак бўлса, ҳаёти мужассам топганлигини унутмаслигимиз керак. Хатларни, шикоятларни, турли мазмундаги мурожаатларни беэътибор қолдириб бўлмайди. Ҳар қандай фуқаро ўз яшаш жойидаги ФҲДЁ бўлимига, давлат нотариал идорасига ёки адлия органига турли ҳолатларда мурожаат қилиши тайин. Уларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш адлия органлари олдидаги муҳим вазифалардандир. Айниқса, ўрганишлар ва мониторинглар натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига барҳам бериш борасидаги ишлар ҳам кўпгина фуқароларнинг маълум даражада ҳуқуқий саводини оширди, десак муболаға бўлмайди. Фикримизни ўтган йили Жиззах вилоятида амалга оширилган ишлар мисолида исботласак ҳам бўлади.

Жиззах вилоят адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги давлат нотариал идоралари, ФҲДЁ бўлимлари томонидан ўтган йилда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ҳамда адлия органлари олдига қўйилган бошқа қатор вазифалар ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ўтган йилда бошқармага 4 795 та хат ва ҳужжатлар келиб тушган бўлиб, шундан 2124 та хат ва ҳужжатлар ижро қилинди.

2015 йилда бошқармага жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларидан жами 1279 та мурожаат келиб тушган бўлиб, 1124 та мурожаат қонуний ҳал этилди, шундан 695 таси қаноатлантирилди, 378 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Судларга фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаб ҳамда шартномавий муносабатларга оид жами 16 миллиард 729 миллион сўмлик 2400 та даъво ариза киритилиб, 13 миллиард 090 миллион сўмлик 2362 та даъво аризалари қаноатлантирилди. Шундан, мансабдор шахсларга нисбатан 105 та 22 миллион 304 минг сўмлик моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан даъво аризалари киритилди.

Ўтказилган ўрганишларда 56272 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга 530 та тақдимнома киритилди. Киритилган тақдимномаларнинг жойлардаги муҳокамаси натижаси билан 469 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 21 нафари вазифасидан озод этилди ҳамда қонун ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган 138 та ҳужжат бекор қилинди ва 9 та ҳужжат ижроси тўхтатилди. Шунингдек, киритилган тақдимномаларга асосан фуқароларга 795 миллион 182 минг сўм, тадбиркорлик субъектларига 355 минг сўм, фермер хўжаликларига 1 миллиард 831 миллион 126 минг сўм пул маблағлари тўлаб берилиши таъминланди.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида бошқарма томонидан назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятида текширишлар ўтказилишининг қонунийлиги устидан назорат олиб борилмоқда. Ўрганишлар натижасига кўра, жами 316 та ҳолатда текширишлар ўтказишнинг белгиланган тартиби бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Шундан, 2015 йил давомида 1 572 та тадбиркорлик субъектининг "Текширишларни рўйхатга олиш китоб"лари мониторинг қилиниб, 291 та ҳолатда мазкур китобни тўлдиришнинг белгиланган тартибларини бузиш ҳолатларини ташкил этади.

Мисол учун, Адлия вазирлигида 2011 йил 7 ноябрда 2280-сон билан давлат рўйхатига олинган "Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари Бахмал туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари Д.Назаров, Ш.Бегимқулов ҳамда Ғаллаорол туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари Р.Нормуротов ва М.Сайфиддиновлар томонидан бузилганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат юзасидан Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармасига 2015 йил 5 ноябрь куни қонун ҳужжатлари бузилишини, уларнинг сабабларини ҳамда бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

Тақдимнома натижасига кўра, вилоят Давлат солиқ бошқармасининг 2015 йил 23 ноябрдаги 162-сонли буйруғи билан Бахмал туман Давлат солиқ инспекцияси ходими Ш.Бегимқулов эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди, Ғаллаорол туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари Р.Номуродов ва М.Сайфиддиновларга нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Бошқарма томонидан ўтган йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиш соҳасида судларга жами 67 та даъво аризаси киритилиб, қолдиқ бўлиб ўтган даъво аризалари билан биргаликда 74 та даъво аризаси қаноатлантирилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида 210 та шикоятлар келиб тушган бўлиб, 137 таси кўриб чиқилди. Шундан, 75 таси қаноатлантирилиб, тегишли идораларга 26 та тақдимнома, 30 та огоҳнома, судларга 11 та 47 738 900 сўмлик даъво аризаси киритилди, шунингдек, 4 та маъмурий таклиф киритилиб, 9 нафар мансабдор шахс маъмурий ҳамда киритилган таъсир чоралари натижасида 2 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, фуқароларга 30.588.110 сўм пул маблағлари ундириб берилиши таъминланди. Кўриб чиқилган шикоятларнинг 61 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди, 6 таси аноним деб топилди, 64 таси тааллуқлилиги бўйича тегишли идораларга юборилди.

**Эркин ХОДЖАҚУЛОВ,**
**Жиззах вилоят адлия бошқармаси бошлиғи**

# Тинчлигимизга кўз тегмасин!

КОЛУМБИЯ университетининг социологлари "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" мавзуида ўтказган тадқиқотида Ўзбекистонимиз 158 та давлат орасида 44-ўринни, ҳамдўстлик давлатлари ичида эса 1-ўринни эгаллади. Бу бежизга эмас, албатта. Тинчлик, меҳр-оқибат, инсонийлик бор жойдагина бахтиёрликка, фаровонликка эришиш мумкин.

Юртимиздаги сиёсий, маънавий барқарорлик тинчлигимизни таъминлаяпти. Бу дунё ҳамжамиятининг диққат-эътиборида эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан ютуқларнинг негизида турган асосий омил инсондир. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир" деган сўзлари бир аср аввал миллатимиз учун қанчалик муҳим ва долзарблик касб этган бўлса, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Фарзандлар камоли ва иқболини кўзлаб, эзгу ниятлар билан яшаш халқимизга хос улуғ фазилат. Авлоддан-авлодга ўтиб, сайқал топиб келаётган бу азалий қадрият мустақиллик йилларида янада бойиб, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки мамлакатимизнинг қудратини белгиловчи энг асосий омиллардан бири шу юртда вояга етаётган юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, эртанги куннинг ҳақиқий эгалари бўлган баркамол авлоддир. Президентимизнинг истиқлолнинг дастлабки йилларида айтган **"Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт"**, деган эзгу ниятлари ўтган давр мобайнида босқичма-босқич ҳаётимизда ўз ижобатини топмоқда.

Кўпчиликнинг хабари бор, Ўзбекистонда 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Агар ўтган йили худди шундай дастур ижросига назар солсангиз, кўпгина салмоқли ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўласиз. Масалан, тадбиркорлик фаолиятини юритиш истагини билдирган 38,3 минг нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг 6,4 минг нафарига 53,8 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. 2014-2015 ўқув йилида республикадаги 1 403 та касб-ҳунар коллежининг 453,6 минг нафари (238,5 минг битирувчи бириктирилган корхона ва ташкилотда, 215,1 минг нафари ўз мутахассислиги бўйича) иш билан таъминланди. Бу йил ҳам ана шундай кўзга кўринадиган, ёшларимизни бир мақсад — Ватан тараққиёти йўлида бирлаштирадиган хайрли тадбирлар йўлга қўйилмоқда.

Айтиш керакки, ушбу дастур халқимизнинг эзгу орзу-мақсадларига ҳамоҳанг бўлган, мамлакатимизда ақлан етук, жисмонан бақувват, маънан соғлом авлодни камолга етказиш борасидаги ислоҳотларнинг узвий давомини акс эттирган муҳим ҳужжатдир. Юртбошимиз раҳнамолигида ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган давлат сиёсати изчил амалга оширилаётгани самарасида ёшларимиз барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Турли кўрик-танловларнинг кўпайиб ёшларнинг иқтидори юзага чиқаётганини кўриб-билиб турибмиз.

Айниқса, жойларда "Камолот" уйлари барпо этилиши бу йил ҳам давом эттирилаётгани қувонарли ҳол. Бу уйлар ёш оилаларга "Камолот" ЁИҲ тавсияномасига мувофиқ тижорат банклари томонидан бошланғич бадалсиз, йигирма йил муддатга имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш йўли билан берилмоқда.

Уруш кўрган, фронт ортида хизмат қилган боболаримиздан сўрасангиз, иккинчи уруш даврида кўпчилик ёшлар мактабга бориб савод чиқаролмаган. Бунинг учун вақт, имконият етмаган. Чунки уруш деган бало таълим-тарбияга жуда катта халал берган. Шукрлар бўлсинки, ҳар куни юртдошларимиз хотиржамлик, шукроналик билан тонгни кутиб олади. Боиси — тинчлик!

**Ориф ҲАСАНОВ,**
**Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходими**






SAVDOGAR BANK

# Банк хизмати

## тараққиёт кафолати



ЭЪТИРОФ этиш керак, мустақиллигимизнинг ўтган йиллари мобайнида барча соҳалар қатори мамлакатимизнинг банк тизимида ҳам кенг кўламдаги ислоҳотлар ўтказилди. Юртбошимизнинг соҳага оид бир нечта Фармон ва қарорлари қабул қилиниши натижасида мижоз ва банк ўртасидаги муносабатлар, яъни хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада яхшиланди. Энг асосийси, фуқароларимизнинг банкларга бўлган ишончи янада ортди.

Чет эл капитали иштирокидаги “Савдогар” акциядорлик тижорат банкининг Қибрай филиали жамоаси ҳам ана шу ислоҳотлар самараси ўлароқ кўрсатилаётган хизматлар кўламини тобора кенгайтириб бормоқда.

Жумладан, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг лойиҳаларини рўёбга чиқаришда банк томонидан кредитлар ажратилмоқда.

Айни пайтда ушбу банкнинг жами кредит қўйилмалари 21.291,4 миллион сўмни ташкил қилади. Ўтган 2015 йилда филиал томонидан тадбиркорлар учун жами 15.923,8 миллион сўм кредит ажратилган. Шундан, кичик бизнес субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга 8.903,3 миллион сўм кредит йўналтирилган. Йўналиш бўйича жами ишлаб чиқаришга 1.179.6, савдо ва хизмат кўрсатиш учун 2.261,2, қишлоқ хўжалигига 10.219,9 ҳамда 2.263,1 миллион сўм бошқа тармоқларга ажратилган. Бунинг натижасида кредит ҳисобидан қўшимча 49 та янги иш ўрни яратилди.

Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, 2014 йилга нисбатан кредит қўйилмалари 4.377,8 миллион сўмга ошган, яъни 125,9 фоизга, қисқа муддатли 151,7, узоқ муддатли кредитлар йил бошига нисбатан 4.226,1 миллион сўмга оширилишига эришилди.

Биргина “Ermon Xoja ota” фермер хўжалигининг “Chotqol Keramik Servis” унитар корхонасига ғишт ишлаб чиқариш ускуналарини таъмирлаш ва ясаш мақсадида металл маҳсулотлари сотиб олиш учун 200 000 000 сўм кредит ажратилди. Ушбу ажратилган кредит корхонада керамик (пишган) ғишт ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширишга қаратилди.

Шунингдек, 2015 йил давомида аёл тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 15 нафар тадбиркор аёлга 1.965.8 миллион сўм миқдорида кредит ажратилган бўлиб, 2014 йилга нисбатан 119,9 фоизни ташкил қилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги **“Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Қарорига асосан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида 5 та кичик бизнес субъектига 1.219,9 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги **“Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Қарорига асосан ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун 4 та кичик бизнес субъектига 1.9270,9 миллион сўм миқдорида кредит ажратилиши белгиланган.

Бундан ташқари, 64 та тадбиркорга 2.096,2 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилган бўлиб, бу 2014 йилга нисбатан 123,9 фоизни ташкил қилади.

Мухтасар айтганда, банк томонидан мижозларга кўрсатилаётган кенг турдаги банк хизматлари сифатли ва тезкор ташкил этилишига эътибор қаратилмоқда. Бу, албатта, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, қолаверса, юртимиз иқтисодиётини тараққий эттиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

**(Ўз мухбиримиз)**

Банк хизматлари лицензияланган.



## Адлия тизими фаолияти:

# Кичик бизнеснинг катта имкониятлари



МАМЛАКАТИМИЗДА ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, мавжуд бюрократик тўсиқлар ва ортиқча чекловларни бартараф этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда мазкур соҳада бир қатор янги қонун ҳужжатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинди, шунингдек, айрим қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шу ўринда Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги **"Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни янада жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони ушбу соҳани янада жадал ривожлантириш учун муҳим босқич бўлди.

Ушбу Фармонга кўра, республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил ошириш асосий мақсад қилиб белгиланди.

Шунингдек, Фармонга асосан тегишли вазирлик ва идораларнинг туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди ва бевосита Адлия вазирлигига "Ягона дарча" марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий кўмак кўрсатиш вазифалари юклатилди.

Ушбу марказлар фаолиятини 2016 йил 1 январдан кечиктирмасдан бошланишини таъминлаш, улар орқали 16 турдаги давлат хизматларини кўрсатиш, шу жумладан, лицензия ва рухсат берувчи характердаги ҳужжатларни бериш белгилаб олинди. Шу муддатдан бошлаб "Ягона дарча" марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органларига тадбиркорлик субъектларидан бевосита ҳужжатлар қабул қилишни тақиқлаш назарда тутилди. Шу билан бирга, Президентимизнинг 2015 йил 28 сентябрдаги **"Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори ҳам қабул қилиниб, унга кўра тадбиркорлик тузилмаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан ошириш ва шаффофлигини таъминлаш асосий мақсад қилиб белгиланди.

Шундан келиб чиқиб, "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш, тадбиркорлик субъектларига рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартибтаомиллларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш, тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишда бюрократик говтўсиқларга йўл қўймасдан давлат хизматлари кўрсатаётган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, аризачиларга информацион ёрдам кўрсатиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул маслаҳат бериш "Ягона дарча" марказларининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Шунингдек, **"Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни янада жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармоннинг тадрижий давоми сифатида 2015 йилнинг 20 августида **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди.

Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигидаги 43 та қонунга (10 та кодекс ва 33 та жорий қонунларга) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Масалан, **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонунга киритилган ўзгартиришларга кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлар тадбиркорлик субъектлари томонидан ваколатли органларга ва ташкилотларга ёзма равишдаги мурожаатларсиз қўлланилиши назарда тутилди.

Бундан ташқари, тадбиркорликни янада ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг давоми сифатида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йил 7 октябрда **"Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилинганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Карорга асосан 2016 йил 1 январдан бошлаб жисмоний ва юридик шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун аҳоли пунктларида доимий фойдаланишга майдони 1 гектаргача ва 1 гектар бўлган ер участкалари фақат танлов асосида берилиши белгилаб берилди.

Бу эса тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини фақат танлов асосида бериш ҳисобига тадбиркорлик субъектларига тенг рақобат шароитлари яратиш учун муҳим омил бўлди.

Ушбу қонун ҳужжатларини қўллашда ва жойларда уларнинг ижросини таъминлаш борасида ҳудудий адлия органлари, хусусан, Навоий вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Президентимизнинг 2015 йил 28 сентябрдаги **"Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорига асосан дастлаб тажриба (синов) тариқасида вилоятнинг Кармана ва Қизилтепа туманларида "Ягона дарча" марказлари ташкил этилди.

Навоий вилоят адлия бошқармаси томонидан бевосита ушбу марказларнинг ўзида, ҳамкор ташкилотлар билан семинарлар ташкил қилиниб, унда қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва "Ягона дарча" марказлари фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилди.

Натижада Кармана ҳамда Қизилтепа туманларида "Ягона дарча" марказлари фаолияти бошлангандан кейин ўтган қисқа вақт мобайнида тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш юзасидан кўплаб мурожаатлар қабул қилиниб, кўриб чиқилиши таъминланди.

Қолаверса, тадбиркорларга 34 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат электрон кўринишдаги қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан (lex.uz) исталган вақтда интернет орқали бепул фойдаланиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, адлия бошқармаси томонидан ишбилармонлик учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш мақсадида қонунчилик танқидий ўрганиб чиқилмоқда.

Жумладан, тадбиркорлик соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида, ўтган 2015 йил мобайнида 100 дан ортиқ қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигига киритилди.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, бу йўналишда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаган ҳолда амалда тўлиқ ижросини ташкил этиш — нафақат буниг учун масъул бўлган давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг, балки ҳар биримизнинг устувор вазифамиздир.

**Анвар РЎЗИЕВ,**
**Навоий вилоят адлия бошқармаси бошлиғи**

# Қонун бўйича ворислик

МУЛК ва мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи объектлардан бири мерос ҳуқуқидир. Мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Ҳар бир шахс ўзи ҳаётлигида мулкини ўзи тасарруф қилади ва вафот этганидан кейин мулкининг тақдири қандай бўлишини олдиндан белгилаши ҳам мумкин. Мулкдор мулкининг ўзи вафот этганидан кейинги тақдирини мерос (ворислик) ҳуқуқи ёрдамида амалга оширади. Ўз хоҳишига кўра, нотариал тартибда ёки нотариал ҳаракатларга тенглаштирилган шаклда васиятнома тузиб, ворис тайинлайди. Васиятнома тузган шахс исталган вақтда уни арза бериш йўли билан бекор қилишга ёки янгидан бошқа васиятнома тузишга ҳақли.

Фуқаролик кодексида меросхўрларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлиб, бу ҳақда шундай дейилган: "Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилганидан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин". Мерос ҳуқуқи ворислик ва мерос масалаларини, ворислик асосларини, мероснинг очилиши ва ворислик ҳуқуқини амалга ошириш, мерос ҳуқуқининг объектлари ва субъектларини, васият бўйича ва қонун бўйича ворисликни, меросни эгаллаш масалаларини тартибга солади. Мерос таркибига мерос қолдирувчига тегишли мол-мулк, ашёларгина кирмасдан, балки мерос қолдирувчининг бошқа жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан бўлган ҳар хил қонуний талаблари ҳам киради.

Масалан, мерос қолдирувчининг олиши лозим бўлган, лекин ололмай қолган иш ҳақи, муаллифлик ҳақига бўлган ҳуқуқи ва бошқалар. Мерос таркибига фақатгина талаб қилиш ҳуқуқи эмас, балки мерос қолдирувчининг мулкий мажбуриятлари ҳам киради. Мулк эгаси ўзига тегишли мулкни ўзи вафот этгандан сўнг қандай ва ким томонидан тасарруф қилиниши ҳақида васиятнома қолдирмаган бўлса, қонун бўйича ворислик вужудга келади.

Қонун бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи навбатдаги меросхўрлар бўлмаган тақдирда, шунингдек, улар меросни қабул қилиб олмаган ёки ундан воз кечган ҳолларда, ҳамма меросхўрлар фуқаролик кодексининг 1119-моддаси тартибида мерос олишдан четлаштирилганда тўртинчи навбат бўйича ворислик вужудга келади ва мерос мулк мерос қолдирувчининг қариндошларига тенг улушда ўтади. Бунда яқинроқ қариндошлар узоқроқ қариндошларга нисбатан мерос олишда имтиёзли ҳуқуқга эга бўлади. Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари, агар улар ушбу кодекснинг 1141-моддаси асосида мерос олмасалар, қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Бешинчи навбатдаги меросхўр бўлиш учун, у шахс меҳнатга қобилиятсиз бўлиши ва иккинчидан мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиши кифоя. Бунда мерос қолдирувчининг вафот этганига қадар қанча вақт унинг қарамоғида бўлиши белгиланмаган ва бу шахс меросхўрлар доирасига кириши ҳам шарт қилиб қўйилмаган.

**Гуллола ЎРИНБОЕВА,**
**Навбаҳор туман давлат нотариал идораси нотариуси**





Ёшлар тарбияси, хусусан, касб-ҳунар таълими ғоят серқирра ва масъулиятли иш. Бу хайру савоб ишга коллежимизнинг кўп кишилик устоз-мураббийлар жамоаси ҳам муносиб улуш қўшиб келаяпти. Бу ерда касб-ҳунар таълимини ўтаган ёшлар мамлакатимизнинг улкан бунёдкорлиги, юртимиз равнақи учун фидойи меҳнат қилишмоқда. Таълим масканида ўқув жараёнларини намунали ташкил этиш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласи доимо муваффақиятли ечим топаяпти. Бу сингари хайрли ишларда касаба уюшмамизнинг ҳам самарали ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.

Байрам яхши ишлар билан кўркам. Шу янглиғ эзгуликларга ўз муносиб улушини қўшаётган коллежимизнинг барча устоз-муаллимлари, ўқувчи-ёшларини, шунингдек, соҳамизнинг барча жамоаларини бутун Шарқ олами бўйлаб кезаётган ажойиб байрам — Наврўзи олам шодиёналари билан қизғин қутлаб, ишларига ривож ва омад тилаймиз.

Қалбингиз ҳамиша қувончу шодликлар оғушида бўлсин муҳтарам юртдошлар!

**УРГАНЧ ТУМАН ТРАНСПОРТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ**



*Баҳор — ёшлик рамзи! Ёшликни умр баҳори, деб аташлари шундан эҳтимол. Хонқа енгил саноат коллежи — ёшлар маскани. Уларга боқиб умр баҳорини кўргандай бўласиз. Айни кунда мазкур масканда табиат баҳори-ю, умр баҳори — ёшлик бир-бирига юзма-юз бўлиб турибди. Фасли навбаҳорнинг илк байрами — Наврўзи олам тантаналари авжида. Ушбу масканда ёшлар учун яратилаётган имкону шарт-шароитлардан барча баҳраманд. Қалблардаги кўтаринкилик боиси ҳам шундан.*

*Касб-ҳунар таълими соҳасида пешқадам саналган мазкур кўп кишилик жамоа барча юртдошларимизни Наврўзи олам шодиёналари муносабати билан самимий муборакбод этиб, омад ҳамда бахту иқбол тилайди.*

***Байрам муборак бўлсин!***

**ХОНҚА ЕНГИЛ САНОАТ КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ**



# Шартнома

## тарафларга мажбурият юклайди

ШАРТНОМА томонларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини, келишувларини акс эттирувчи ҳужжатдир. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар амалдаги қонунлар билан бир қаторда шартномалар воситасида ҳам тартибга солинади. Томонлар ўртасидаги шартнома ҳар томонлама пухта, аниқ, мазмунан мукаммал тузилган бўлса, энг муҳими, у қонун талаблари доирасида рисоладагидек расмийлаштирилса, шубҳасиз, мақсадга эришилади.

Хўш, хўжалик юритувчи субъектлар шартнома тузишда эркин бўлсалар, у тарафлар манфаатларини кўзлаб тузилган бўлса, амалдаги қонунчиликка мос келса, нега баъзан низолар келиб чиқаяпти?

Хўжалик судида кўрилган бир низо таҳлили юқоридаги каби саволларга жавоб топишга имкон беради.

"Абдуллажон УМА" масъулияти чекланган жамияти ва "Тўрақўрғон нефть базаси" унитар корхонаси ўртасида нефть маҳсулоти етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилган. Шартномага кўра, унитар корхона МЧЖга 2015 йилнинг 1-чорагида 10 тонна, 2-чорагида 12 тонна автобензин Аи-80-русумли нефть маҳсулоти, 2015 йилнинг 1-чорагида 3 тонна дизель ёнилғиси етказиб бериши, даъвогар эса нефть маҳсулотининг ҳақини 100 фоиз олдиндан тўлаши лозим эди.

Шартнома шартларидан келиб чиқиб, "Тўрақўрғон нефть базаси" унитар корхонаси январь ойи учун "Абдуллажон УМА" МЧЖнинг нефть маҳсулоти учун олдиндан тўлаган 17.250.000 сўми учун 12.982.658,93 сўмлик нефть маҳсулоти етказиб берган. "Абдуллажон УМА" масъулияти чекланган жамиятининг 4.733.435,54 сўмлик тўлаган пул маблағи февраль ойи учун қолдиқ бўлиб ўтган. "Тўрақўрғон нефть базаси" унитар корхонаси февраль ойи учун даъвогарга 8.377.887,19 сўмлик нефть маҳсулоти етказиб берган. Ушбу ойда "Абдуллажон УМА" МЧЖ 4.200.000 сўмлик нефть маҳсулоти учун тўловни амалга оширган.

"Абдуллажон УМА" масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар ҳисоб рақамида февраль ойида нефть маҳсулоти учун тўланган 555.548 сўм қолдиғи мавжуд бўлган.

"Абдуллажон УМА" МЧЖ "Тўрақўрғон нефть базаси" унитар корхонасининг ҳисоб рақамига 20.000.000 сўм, орадан уч ой ўтгач 2.100.000 сўм нефть маҳсулоти учун олдиндан тўлов амалга оширган. Жавобгар эса фақатгина 4.180.407,07 сўмлик нефть маҳсулоти етказиб берган. Даъвогарнинг қолган 18.475.141,28 сўмлик тўлови учун нефть маҳсулоти етказиб берилмаган. Бу билан "Тўрақўрғон нефть базаси" унитар корхонаси очиқчасига шартномага нисбатан beписандлик билан муносабатда бўлган. Яъни, унинг шартномавий мажбурияти қоғозда қолиб кетган.

Шундан сўнг МЧЖ манфаатида Наманган вилоят адлия бошқармаси судга мурожаат қилиб, "Тўрақўрғон нефть базаси" унитар корхонасига нисбатан тузилган шартнома шартларига асосан нефть маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини юклашни, шартноманинг 4.1-бандига асосан 555.548 сўмлик маҳсулот ўз вақтида етказиб берилмаганлиги учун 277.774 сўм пеня ундиришни сўраган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 2.3-бандига кўра, ҳисоб-китоб рақамига маблағлар келиб тушгач, таъминотчи истеъмолчига нефть маҳсулотларини белгиланган тартибда етказиб беради. Шартноманинг 4.1-бандига кўра, таъминотчи томонидан жадвалда кўрсатилган нефть маҳсулотларининг ҳар 10 кун ичида етказиб бериладиган миқдори шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган ҳоллардан ташқари сабабсиз етказиб берилмаган тақдирда таъминотчи истеъмолчига етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Ушбу кодекснинг 238-моддасига кўра, мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт.

Унитар корхона вакиллари Хўжалик процессуал кодексининг 55-моддасида назарда тутилганидек, исботлаш мажбуриятига кўра, шартноманинг 5.1-бандида назарда тутилганидек бирор бир енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) туфайли шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажара олмаганлигини исботлаб бера олмади.

Аксинча, унитар корхона ҳисоб рақамига нефть маҳсулоти учун пул маблағи келиб тушганидан сўнг 10 кун ичида маҳсулотни етказиб бериши ёки маҳсулотни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда етказиб бера олмаслиги тўғрисида МЧЖни огоҳлантириши лозим эди.

Суд унитар корхона вакилларининг шартнома бўйича фақат 1- ва 2-чоракларда даъвогарга нефть маҳсулоти етказиб бериш мажбуриятини олганлиги сабабли 3- ва 4-чоракларда нефть маҳсулоти етказиб бериш мажбуриятини олмаганлигини инобатга олиб, даъвони рад этиш ҳақидаги важи билан келишмади. Хўш, нега Фуқаролик кодексининг 443-моддасига мувофиқ товар етказиб беришнинг айрим даврида уни тўлиқ етказиб бермаган товар етказиб берувчи, агар товар етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, етказиб берилмаган товарлар миқдорини шартнома амал қилиш муддати доирасидаги кейинги даврда (даврларда) тўлдириши лозим?

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг амал қилиш муддати эса 2015 йил 31 декабрга қадар қилиб белгиланган.

Суд "Тўрақўрғон нефть базаси" унитар корхонасига шартнома шартларига асосан МЧЖга нефть маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини юклаб, шартноманинг 4.1-бандига асосан нефть маҳсулотини ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун унитар корхонадан 277.774 сўм пеня ундирди.

**Жамол ҚАҲҲОРОВ,**
**Наманган вилоят хўжалик суди раиси ўринбосари**

# Тадбиркор қонун ҳимоясида

МАМЛАКАТИМИЗДА тадбиркорлик субъектлари фаолиятига кенг йўллар очиш, ҳимоя қилиш, уларга нисбатан қўлланиладиган жазо чораларини қисқартиришга доир бир қанча ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари такомиллашиб бормоқда.

Жумладан, 2015 йил 20 августдаги **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли химоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги, 2015 йил 31 декабрдаги **"Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун ва бошқа қонунлар юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир. Бунда тадбиркорлик субъектларига молиявий санкциялар қўллашда бир қанча енгилликлар берилиб, тегишли қонун ҳужжаларига ўзгартишлар киритилди.

Мазкур ўзгартиш киритилганидан сўнг Наманган вилоят хўжалик суди томонидан солиқ идораларидан 85 та тадбиркорлик субъектларига нисбатан 111.408.001.629 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни сўраб киритилган аризалар қисман қаноатлантирилиб, тадбиркорлик субъектларидан 97.064.700.000 сўм молиявий жарима ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинган. Бундан кўринадики, Солиқ кодексига киритилган мазкур ўзгартишлар натижасида 4 ой ичида тадбиркорлик субъектлари фойдасига 14.343.301.629 сўм маблағ тежалди.

Наманган вилоят хўжалик судига 2015 йил давомида солиқ идораларидан тадбиркорлик субъектларига молиявий жарималарни қўллашни сўраб жами 415 та ариза келиб тушган бўлиб, шундан 408 таси ҳал этилган, 7 таси қайтарилган.

Масалан, Чортоқ туман Давлат солиқ инспекцияси судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар — "Магнат техник таъмирлаш бутлаш" МЧЖга нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддаси 1-қисмига асосан 709.680.300 сўм, 114-моддаси 2-қисмига асосан 7 382 300 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни сўраган.

Бироқ текшириш натижаси юзасидан расмийлаштирилган далолатномада молиявий жарима қўллаш учун асос бўлган ҳолатлар баён этилмаган.

Гарчи, аризада хизмат текшируви хулосаси асос қилиб келтирган бўлса-да, бироқ суд мазкур хулоса жавобгар "Магнат техник таъмирлаш бутлаш" МЧЖнинг иштирокисиз расмийлаштирилгани, унинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир этиши ҳамда жавобгарга нисбатан молиявий жарима қўллаш учун асос бўлмаслиги боис хулосани инобатга олмасликни лозим топиб, суд ҳал қилув қарорида Чортоқ туман Давлат солиқ инспекциясининг ариза талабларини қаноатлантиришни рад этган.

Юқорида қайд этилган ва бошқа ҳолатлар юзасидан ҳисобот йил давомида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида ушбу камчиликларни қайта такрорламаслик юзасидан зарурий чоралар кўриш ҳақида Наманган вилоят Давлат солиқ бошқармасига жами 29 та хусусий ажрим чиқарилиб, масъул шахсларга нисабат жазо чоралари кўрилган.

**Алишер АБДУРАХМАНОВ,**
**Наманган вилоят хўжалик суди судьяси**

**"НАМАНГАН МОМИҚ СОЧИҚЛАРИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

**азиз юртдошларимизни кўнгилларга баҳорий хуш кайфият бағишлаб, оламни гулу чечакларга буркаган НАВРЎЗ байрами билан муборакбод этади. Байрамона завқу шавқ, қалбларга инган эзгулик ҳамда хушчақчақлик йил бўйи тарк этмасин. Оилангиз файзу тароватга, дастурхонингиз тўкинликка тўлсин!**

RAVNAQ-BANK

"RAVNAQ-BANK"
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

*Азиз юртдошларимизни* ***НАВРЎЗИ АЙЁМ*** *билан муборакбод этади.*

*Маълумки, Наврўз — янгиланиш, янги кун, янги ҳаёт рамзи бўлиш билан бирга, поклик ва шодлик, маънавият ва бирдамлик тантанасидир. Шундай экан, Наврўзи олам доимо халқимиз учун миллий ифтихор, ўзликни англаш ва ҳамжиҳатлик рамзи бўлиб қолаверади. У инсоний туйғуларни янада юксалтирувчи, уларни бирлаштирувчи ҳамда халқимиз қалби ва онгида ягона Ватан туйғусини мустаҳкамловчи бирдамлик байрами ҳамдир.*

*Умуман, Наврўз асрлар мобайнида биз учун эзгулик тимсоли, инсон қалбида бунёдкорлик, ёруғ орзу-умидлар куртак очадиган фасл бўлиб келган ва шундай бўлиб қолажак.*

Хизматлар лицензияланган.

"HAMKOR SANOAT YOG`DUSI"
ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ

халқимиз ҳамда соҳамиз фидокор заҳматкашларини диёримизда кенг нишонланадиган мафтункор ва жозибали байрам

— НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан сидқидилдан табриклайди.

Ўтаётган ҳар бир кунингиз хуррамлигу аъло кайфиятта лиммо-лим бўлсин! Бахт-саодат, омад ҳамда баҳорий кайфият Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!

Азизлар, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз тинч, турмушимиз доимо тотув бўлишини тилаймиз. "Соғлом она ва бола йили" қувончу шодликлар ҳамроҳлигида ўтсин!



# Бебаҳо хазина



ТАРИХ — келажагимиз пойдевори. Халқ ва миллат ўз порлоқ иқболи ва истиқболини унга суянган, таянган, азалий анъана ва қадриятлардан оқилона фойдаланган ҳолда яратади. Аксинча тарзда бино этилган қасрнинг эса умри сарҳадли. Буни анъана ва удумлардан йироқлашув ва "интернационаллашув" даврида халқимиз ўз кўзи билан кўрди. Бой тарихимизни эслатувчи кўпгина нодир моддий ва номоддий бойликлар қадр-қимматини йўқотди. Энди эса бари бошқача. Халқимизнинг кўп асрлик бой тарихи ва маданий мероси дурдоналари кўз қорачиғидай асралаяпти, қадриятларимизнинг қадри баланд, юрт аҳли қалбида аждодларимизнинг улуғвор ишлари, жасоратига нисбатан ҳурмат-эътибор, фахр, ғурур, садоқат ҳисси юқори. Шу аснода одамлар қалбида ватанга, истиқлолимизга нисбатан меҳр-оқибат туйғулари жўш урмоқда.

"Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир. Мамлакатимиз Конституциясида ифодасини топган ушбу тамойил кечмишимиз дурдонларига нисбатан катта ғамхўрлик ва эътибордан дарак беради. Бинобарин, уқтирилганидек, ўз тарихига суянмаган, унинг неъматларидан баҳраманд бўлмаган халқнинг келажаги йўқ.

Конституциямизда қайд қилинган қоида мамлакатимизда тарихий ва маданий мерос намуналарига нисбатан қарашларни тубдан ўзгартирди. **"Маданий мерос объектларини муҳофаза килиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"**-ги Қонунда белгиланишича, юртимиздаги маданий мерос объектлари алоҳида аҳамият касб этувчи тарихий, илмий, меъморий, бадиий ва мемориал қимматга эга бўлган Республика, вилоят, туман ва шаҳарлар тарихи, маданиятига молик маҳаллий аҳамиятдаги улкан моддий ва маънавий меросдир.

Қонуннинг маданий мерос объектларига эгалик ҳуқуқини амалга ошириш, улардан фойдаланиш ва тасарруф қилишга оид қоидалари янада муҳим ва ҳаммага бирдай дахлдор ҳисобланади. Қоидага мувофиқ маданий мерос объектининг мулкдори ўзига қарашли бўлган объект йўқотилса, унинг ўрни тўлдириб бўлинмаслигини назарда тутган, тарихий, маданий ёки илмий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда уни сақлаб туриш вазифасини зиммага олади.

Маданий мерос объектлари жойлашган ер участкаларининг эгалари (мулкдорлари) зиммасига мазкур объектларни сақлаб туриш вазифаси ва бошқа мажбуриятлар юкланади. Давлат мулки бўлмиш маданий мерос объектини текин фойдаланишга бериш мумкин.

"Умумжаҳон маданий мероси" қаторига қўшилган осори-атиқалар маскани — қадимий Хивамиз ва ундаги 200 га яқин ёдгорлик мажмуаларининг ҳудудий-ҳуқуқий мақоми ҳам қонунда аксини топган. Қайд этилишича, бундай ҳудудлар алоҳида муҳофаза қилинувчи яхлит тарихий-маданий объектлар тизими ёки мажмуасидан иборат. Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар тарихий-маданий қўриқхоналар, музей-қўриқхонлар, тарихий манзилгоҳлар кўринишида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ташкил этилади.

Ҳозирги кунда вилоятимиз бўйича 230 дан зиёд тарихий, маданий ва меъморий обидалар давлатимиз томонидан муҳофаза этилаяпти. Уларнинг 194 таси "Очиқ осмон остидаги музей" номини олган Хива шаҳрида жойлашган. Бу ердаги "Ичон қалъа" давлат музей-қўриқхонаси нафақат воҳамиз, балки бутунжаҳон саҳнидаги энг йирик, кўркам ва обод зиёратгоҳлар сафида туради. 26 гектар майдонни эгаллаган мазкур музей-шаҳар ўз исми-жисмига монанд шаҳар қалъаси, шарқона услубдаги бозор, карвонсарой, хон саройлари, масжид, мадраса, минора, зарбхона, мақбара ҳамда хилхоналардан иборат. Жаҳон аҳлини мафтун этган гўзал нақшу кошинлар, зебу зийнатлар унинг ноёб ва бетакрор безаги. Анъанавий Наврўз тантаналари ҳам шу масканда ўтказилади.

Давлат муҳофазасига олинган бундай обидалар қаторига вилоят маркази — Урганч шаҳридаги "Дошкинжон бобо", Янгиариқдаги "Остона бобо" зиёратгоҳлари, Ҳазораспдаги "Сулаймон", Боғотдаги "Калъажик", Шовотдаги "Кат", "Ваянган" қалъалари ва бошқа қатор маданий мерос объектларини ҳам қўшиш мумкин.

Таъкидлаш жоиз, булар қадимий Хоразм заминида жойлашган ноёб осори-атиқаларнинг атиги бир қисми. Халқимизнинг бой маданияти ва қудратли давлатчилик тарихидан далолат берувчи бундай салобатли қалъалар ва истеҳком қўрғонларидан иборат кўпгина тарихий маскан ва мажмуалар Хоразмшоҳларнинг кўҳна пойтахти Гурганж (Кўҳна Урганч), Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб Қизилкум этакларига туташиб кетган ҳудудлар, шунингдек, қадимий жайҳун бўйларидаги Тупроққалъа — Уч ўчоқ манзилгоҳларида ястаниб ётибди. Юртимиз бағридаги бу сингари обидаларни ўрганиш янада кенг ва катта миқёс кашф этаяпти. Ўтган йиллар мобайнида Ҳазораспдаги "Сулаймон қалъа", Шовотдаги "Кат-калъа", Боғотдаги "Калъажик" қалъа, Хоразм ҳунармандчилиги ва саноатчилигининг дастлабки ўчоғи — "Хумбуз тепа"да археологик қазиш ва тадқиқот ишлари амалга оширилди. Ўтмиш маданий меросини ўрганишга қаратилган бу сингари хайру савоб тадбирлар ҳозир яна бирқанча тарихий ва маданий қадамжоларда қизғин давом этаяпти.

Кечмишимизга дахлдор бундай дурдоналарни асраш ва келажак авлодларга мерос сифатида қолдириш, уқтирилганидек, бутун халқимизнинг хоҳиш-иродаси. Шундай экан, аждодларимиздан қолган нодир ва қимматли меросга нисбатан беписандлик, эътиборсизлик ҳоллари, қалтис ва ғаразли хатти-ҳаракатлар жиноят ва маъмурий қонунчилигимиз томонидан ҳам қаттиқ қораланади. Жиноят кодекс ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси бу каби ножўя ҳаракатларга нисбатан қонуний жазо чораларини кўзда тутади.

Жиноят кодексининг 132-моддасига кўра, давлат муҳофазасига олинган тарих ва маданият ёдгорликларини қасддан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказган шахслар уларга нисбатан маъмурий жазо қўлланилган бўлса, муқаррар равишда жиноий жазога тортиладилар. Етказилган зарар уч карра миқдорда қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Тарих ёки маданият ёдгорликларига уларнинг дастлабки кўринишини тиклаб бўлмайдиган даражада яроқсиз ҳолга келтириш, бузиш, қайта таъмирлаб тиклаш имконияти мавжуд бўлган даражада зарар етказиш, ёдгорликларнинг бадиий, тарихий, археологик ёхуд илмий қийматини йўқотиш каби хунук қилмишлар жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Жиноий қилмиш муҳофазадаги ёдгорликларни нобуд қилиш ёки бузиш, ёхуд уларга шикаст етказилган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади. Ёдгорликларни нобуд қилиш, бузиш, уларга шикаст етказиш безорилик ҳаракатлари билан содир этилса, бу ҳаракат Жиноят кодексининг 132- ҳамда 277-моддалари бўйича малакаланади. Ушбу меросни нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган бўлса, қилмиш тегишли белгиларнинг мавжудлиги ҳолатларида мансабга совуққонлик билан қараш (кодекснинг 207-моддаси) ёхуд мол-мулкни қўриқлашга виждонсизларча муносабатда бўлиш (172-модда) таркибини вужудга келтириши мумкин. Шикаст етказиш, бузиш ёдгорликларнинг муайян қисмини ўғирлаш билан боғлиқ бўлганида, айбдорнинг қилмишини мазкур кодекснинг 132-моддаси ва ўзгалар мулкини ўғирлаш учун жавобгарликни назарда тутадиган тегишли модда билан жиноятлар мажмуига кўра малакаланади. Ёши 16 га тўлган шахслар жиноят объекти сифатида эътироф этилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 64-моддасига кўра, мазкур ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони фақат ғаразли ният билан тавсифланади. Мазкур ҳуқуқбузарликларга оид ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

Ўтмишни англамай ва эъзозламай туриб, келажагимиз қасрини бунёд эта олмаймиз. Зеро, жамият ўз нурли манзилига катта тарих ва унинг донишмандона сабоғи орқали етиб боради. Бой маданий меросимизнинг аҳамияти, қиймат ва қимматини ҳам айнан шунда кўрамиз. Ўз тарихини асраган, аждодларини эъзозлаган халқнинг толеи ҳамиша баланд. Бинобарин, бизгача етиб келган улкан маданий меросда аждодларимизнинг пок руҳи кезаётганлигини доимо ҳис этиб яшамоғимиз зарур. Аждодлар мулки-меросини асрамоқ ва эъзозламоқ улар ёдини доимо қалбда сақламоқ ва муносиб эҳтиром кўрсатмоқ билан баробар.

**Олимбой МАШАРИПОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Хива туман суди раиси,**
**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

*Мамлакатимиз йўлларида замонавий автотранспорт воситаларининг янада кўпайишида юртимиз автобозорининг салмоқли улуши мужассам. Улар сафида ўзимиз ҳам борлигимиздан чексиз фахраланамиз.*

*Корхонамизда давримиз ва диёримизга ярашиқли автомобиллар сотилиши билан бирга мавжуд машиналарга юқори андазаларда техник хизмат ҳам кўрсатилаяпти. Қалбимизда эса Наврўзи олам шодиёналари руҳи кезмоқда. Ушбу байрам билан Ватанимиз автомобилсозлари, мамлакатимиз ҳамда чет элларда унинг савдосини уюштириб, Ўзбекистон довруғини бутун жаҳонга таратаётган касбдошларимиз, қолаверса, барча ҳамюртларимизни самимий муборакбод этамиз. Байрам шукуҳи қалбларингизни ҳеч вақт тарк этмасин азиз юртдошлар!*

**“ХОРАЗМ – АВТОСАВДО” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**





## *“Урганч қурувчи-сервис” масъулияти чекланган жамияти жамоаси*

## Азиз ватандошларимизни Наврўзи олам билан қутлайди!



**“Урганч қурувчи-сервис” масъулияти чекланган жамияти Наврўзи оламга бир неча бунёдкорлик объектларидаги қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларни белгиланган фурсатларда ниҳоясига етказишдек муваффақият билан келди. Жамоа, шунингдек, кейинги йилларда воҳа маркази — Урганч шаҳри ва бир қатор туманларда олиб борилаётган катта кўламли яратувчилик ишларига ҳам баракали ва самарали улуш қўшаяпти. Бунёдкорлар жамоасининг байрам кўтаринкилиги юқори. Қурувчи-бунёдкорлар бундай қувончли онлар барчага ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилайдилар ва юртимиз бўйлаб кезаётган хуш айём муносабати билан яратувчилик ишларига бош-қош бўлаётган ҳамкасблари, мижоз ва ҳамкорларини қизғин табриклайди. Янгидан-янги ютуқлар, бахту саодат онлари ҳамиша ишингиз ва турмушингизни безайверсин азизлар!**

## Кўчмас мулк ва автотранспорт воситаси

### уларга нисбатан нега тақиқ қўйилади?

ЯҚИНДА бир тадбиркор танишим хусусий савдо дўкони ва “Нексия” автомашинасини сотиб, сўнгги русумдаги автомобиллардан бирини олмоқчи бўлди. Аммо бу нияти амалга ошмади. Чунки у бир ярим йил аввал ана шу мулкларини гаров тариқасида баҳолатиб, банкдан имтиёзли кредит олгани боис уларга нисбатан тақиқ қўйилган экан. Бинобарин, унга кредитни тўлиқ қайтаргандагина, тақиқ олиб ташланишини батафсил тушунтирдик.

Албатта, бундай воқеалар кундалик ҳаётимизда учраб туради. Негаки, ҳамма ҳам тақиқ нега ва қай тартибда қўйилишини билмайди.

Қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда, шунингдек, банклар (бошқа кредит ташкилотлари), тегишли ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ва бошқа кўчмас мулк сотиб олиш ёки қайта таъмирлаш ва бошқа мақсадларда берилган қарзларнинг қайтарилишини таъминлаш учун кўчмас мулк гаровга қўйилган бўлса, гаров шартномаларини тасдиқлаш вақтида мазкур кўчмас мулк жойлашган ҳудуддаги нотариус кўчмас мулкка нисбатан тақиқ қўяди ва бу ҳақда “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмасига хабарнома юборади. Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатга нотариус томонидан тақиқ қўйилганлиги ҳақида белги қўйилади ва тақиқлар ҳисобини олиб борилиши белгиланган давлат нотариал идорасига (курьер ёки буюртма хатлар орқали) маълумот юборилади. Борди-ю, мерос мол-мулкка нисбатан тақиқ ва хатлов қўйилган бўлса, тақиқ ва хатлов олиб ташланмагунга қадар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш тўхтатиб турилади.

Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, тегишли маълумотномалар, шу жумладан, мол-мулкка нисбатан тақиқ қўйилган ёки қўйилмаганлиги ҳақидаги маълумот нотариус томонидан идоралараро сўров орқали “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасидан ва тегишли давлат нотариал идорасидан олинади. Бу ҳам бўлса, ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлар учун яратилган қулайликлардан биридир.

Агар гаров шартномасининг предмети автомототранспорт воситалари бўлса, Адлия вазирлиги ва Ички Ишлар вазирлигининг 2006 йил 27 июндаги *“Автомототранспорт воситаларини хатлаш, бошқа шахсга беришни тақиқлаш ва тақиқни олиб ташлаш, шунингдек, автомототранспорт воситаларини хатлаш ва бошқа шахсга беришни тақиқлаш тўғрисидаги маълумотларнинг ҳужжатлаштирилган банкини шакллантириш тартиби тўғрисида”*ги Низомга мувофиқ уларга нотариус томонидан гаров шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилгунга қадар тақиқ қўйилади. Бу ҳақда транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига ёзиб қўйилиб, у рўйхатда турган тегишли ДЙҲХХ органига ҳамда тақиқлар ҳисобини олиб борилиши белгиланган давлат нотариал идорасига (курьер ёки буюртма хатлар орқали) маълумот юборилади.

Тарафлар ўртасида тўлов мажбуриятини кечиктириш шарти билан кўчмас мол-мулкни ва автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни тасдиқлашда, тўлов тўлиқ амалга оширилгунга қадар битимларда кўрсатилган мулкка тегишли тартибда тақиқ қўйилади. Давлат нотариал идораси ипотека шартномаси бўйича кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланганлиги тўғрисида кўчмас мулк жойлашган ердаги “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасини хабардор қилади.

Суд, тергов, прокуратура органлари, суд ижрочилари ва нотариуслар томонидан кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланганлиги ва хатланганлиги тўғрисидаги хабарлар тақиқлар ва хатловларни рўйхатга олиш китобида қайд этилади.

Нотариуслар, банклар (бошқа кредит ташкилотлари), тегишли ташкилотларнинг қарз мажбуриятлари бажарилганлиги ҳақидаги ёхуд гаров (ипотека) тўғрисидаги шартноманинг бекор қилинганлиги ҳақидаги хабарни олганларидан сўнг кўчмас мулк ва автомототранспорт воситасининг бошқа шахсга ўтказилишига қўйилган тақиқни олиб ташлайдилар. Тақиқ олиб ташлангач, тегишли идораларга хабар қилинади.

**Абдураҳим ОРТИҚОВ,**
**Наманган шаҳар 11-сон давлат нотариал идораси нотариуси**




# Васиятнома

## нафақат мол-мулк, балки инсон тақдирига ҳам дахлдор

ВАСИЯТ — кишининг вафот этган тақдирда мулкини тасарруф этиш хусусидаги сўнгги хоҳиш-иродаси. Васиятноманинг бирор вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, *Фуқаролик кодексининг 1120-моддасида* фирма, ташкилот, орган ва бошқалар васиятнома туза олмайдилар деб белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, васиятнома тузиш, имзолаш учун киши тўлиқ фуқаролик салоҳиятига эга бўлиши, яъни ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуниши ва уларни бошқара олиши лозим.

Васият қилувчи қариндошлик ёки оилавий алоқаларининг бор-йўқлигидан қатъи назар меросхўр ёки меросхўрларни тайинлаш; ўз мол-мулкини юридик шахслар, давлат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиш; қонун бўйича меросхўрларнинг исталганини меросга бўлган ҳуқуқидан маҳрум қилиш; бутун меросга ёки унинг маълум қисмига васиятнома тузиш; меросхўрни меросдан маҳрум қилиш; меросхўрни қаерда ва қандай дафн этиш, шахсий қоғозларини қандай тасарруф этиш каби айрим номулкий тусдаги муайян ҳаракатларни бажаришга мажбур қилиш; исталган вақтда васиятномани бекор қилиш, унга ўзгартиришлар киритиш ёки янги васиятнома тузишга ҳақли.

Аммо... васият қилувчининг ҳуқуқлари батамом чексиз эмас. Унинг ҳуқуқини чеклайдиган ёки аниқроқ қилиб айтсак, камайтирадиган меросдаги мажбурий улуш тушунчаси ҳам мавжуд. Шу боисдан ҳам васият қилувчининг барча хоҳиши тўлиқ ҳажмда бажарилмайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Қонун ҳужжатларида васият қилувчининг хоҳишига кўра, кишиларнинг маълум гуруҳлари жабр чекишлари мумкин бўлган вазият назарда тутилиб, уларни ҳимоя қилиш нормалари белгиланган. Ҳатто васият қилувчи уларни васиятномада кўрсатмаган ёки меросдаги улушдан маҳрум қилганда ҳам меросдан улуш олишлари кафолатланган муайян шахслар мавжуд. Улар — мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар *(Фуқаролик кодексининг 1142-моддаси)*. Улар қонун бўйича ворис бўлганларида олишлари мумкин бўлган мероснинг камида ярмини оладилар.

Шунингдек, васиятноманинг турлари ҳам бор. Васиятнома фақат ёзма шаклда тузилади ва тегишли мансабдор шахс томонидан тасдиқланади. Шартли васиятнома меросхўрлар учун муайян шартларни белгилаши мумкин. Ворислик ҳуқуқи уларда фақат ушбу шартлар бажарилганидан кейин пайдо бўлади. Меросхўрни тайинлаш ёки ворислик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги фармойишга киритилган ғайриқонуний шартлар ҳақиқий ҳисобланмайди. Яна бир ҳолат васиятномага киритилган бўлиб, мабодо меросхўр ўз саломатлигининг аҳволига кўра ёки бошқа объектив сабаблар туфайли бажара олмайдиган шартлар бўлса, у меросхўрнинг даъвосига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги Фуқаролик кодексининг *1121-моддасида белгилаб қўйилган.*

Шунингдек, Махфий васиятнома тузиш ҳам мумкин, унинг мазмуни фақат васият қилувчининг вафотидан кейин маълум бўлади *(Фуқаролик кодексининг 1125-моддаси бешинчи қисми)*. Фуқаролик кодексининг 1124-моддасига кўра, васиятнома ёзма шаклда тузилиб, уни тузиш жойи ва вақти кўрсатилади.

Васиятномани васият қилувчи ўз қўли билан имзолаши шарт. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

Шу билан бирга васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин бўлмаган шахслар ҳам белгилаб қўйилган:

нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс; васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар; саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар; ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

Васиятномани тасдиқлашнинг ўз қонун-қоидалари бор. Тузилган васиятнома мажбурий тасдиқланиши керак. Ҳаётий вазиятлар ва тасодифларни ҳисобга олиб, васиятномани, Фуқаролик кодексининг 1126-моддасига кўра, муайян шахслар ҳам тасдиқлашлари мумкин, яъни:

нотариус (фақат у махфий васиятномаларни тасдиқлайди ва ошкор этади); маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи тегишли бўлимининг ваколатли шахси (нотариус йўқ бўлган аҳоли пунктларида); госпиталнинг бош врачи, унинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари ёки навбатчи врачи, қариялар уйининг директори ёки бош врачи; Ўзбекистон байроғи остидаги кеманинг капитани; экспедиция бошлиғи; ҳарбий қисмнинг командири; озодликдан маҳрум этиш жойи бошлиғи; тергов ҳибсхонаси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси **"Нотариат тўғрисида"**ги Қонунга биноан васиятномани тасдиқлаб беришда васият қилувчидан унинг васият қилинаётган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш талаб қилинмайди.

Яна бир муҳим жиҳати васиятномани исталган вақтда ёзиш, қайта ёзиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш мумкин.

**Комил ЖУМАЕВ,**
**Навоий шаҳар**
**1-сон давлат**
**нотариал идораси**
**катта нотариуси**








Наврўз айёми аёлларимизнинг гўзал ва фусункор либослари билан янада мафтункордир. Бу янглиғ нафис ва сержило ранглар яшнаш ва яшариш фасли навбаҳорга ҳам зеб беради. Корхонамизда ёшлик, нафосат ва баҳор манзараларини эслатувчи ана шундай жилодор ва мафтункор газмол-матолар тўқилади. Аксарият муҳтарама опа-сингилларимиз бутун шарқ олами нишонлаётган НАВРЎЗИ ОЛАМ шодиёналарини корхонамизнинг ипагу атлас матоларидан тайёрланган бежирим либосларга безанган ҳолда қарши олаётгани қалбларимизга фахр-ифтихор туйғуларини бағишлайди. Ушбу ажойиб байрам барчангизга муборак бўлсин! Ҳаётингиз мудом гўзаллик ва нафосатга, қувончу шодликларга буркансин, азиз юртдошлар!

**“ХОРАЗМ ИПАГИ”**
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Бозорлар — юрт тўкинлиги, халқ турмуш фаровонлиги белгиси.*
*Буни **Урганч Марказий деҳқон бозори акциядорлик жамияти** мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бозордаги тўкин-сочинлигу нарх-наво мўътадиллигини раста кезиб эмас, балки ушбу улкан мажмуанинг салобати-ю кўрк-тароватига разм солибоқ яққол англайсиз. Кейинги йилларда бозор қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди, замонавийлик ва ҳар томонлама қулайлик касб этди.*
*Шу кунларда бозорда байрам савдолари авжида. Шарт-шароитларнинг бари муҳайё. Дилларда эса байрам руҳи кезади. Бозор жамоаси ўз хурсандчилигини Урганч шаҳри аҳолиси, воҳа меҳмонлари саналмиш мингларча харидорлар билан бирга баҳам кўрар экан, уларга ҳамиша юксак байрам кайфияти, эзгу орзу-ниятларининг ижобатини тилайди.*

**Наврўз айёми қутлуғ бўлсин азиз Ватандошлар!**

**УРГАНЧ МАРКАЗИЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**



**«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки жамоаси**

*Ўзбекистон аҳлини яшариш ва янгиланиш айёми*
**Наврўзи олам**
*билан қутлайди ҳамда юртдошларимизга*

***«Фаровон ҳаёт»;***
***«Пойдевор»;***
***«Самара»;***
***«Омад»;***
***«Ёшлик»;***
***«Жозиба»;***
***«Адолат»;***
***«Оила жамғармаси»***

*номли янги омонат турларини таклиф этади.*

*«Микрокредитбанк» сармоялари – тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!*

Тел.: 99871 202-99-99, www.mikrokreditbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

# Чиройли исм — инсон ҳусни

ЯҚИНДА ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган бир кўрсатувда чиройли ва ғализ эшитилувчи исмлар хусусида сўз борди. Шунда бир йигит исми Жонрид эканлигини, гарчи бу ўзига ёқмаса-да, ота-онаси исмини ўзгартиришга рухсат беришмаётгани ҳақда гапириб қолди. Рости, ўша йигитга ачиндим. Ахир “Чиройли исм — инсон ҳусни”, деб бежиз айтишмаган-ку.

Бинобарин, амалдаги қонунларимизда фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг 15-моддасига биноан агар фамилия, исм ва ота исми эшитилишда ёқимсиз бўлса ёки ўша шахснинг миллатига тўғри келмаса, шахс никоҳгача бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтишни хоҳласа, оилада бир хил фамилияда бўлиш истаги пайдо бўлса (агар никоҳ тузиш пайтида эр-хотин умумий фамилияни танламаган бўлса) ҳамда ФҲДЁ органи томонидан узрли деб топилган бошқа асосларга кўра, ўзгартирилиши мумкин. Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги аризалар ариза берувчи 16 ёшга тўлгач, тураржойдаги ФҲДЁ органи томонидан кўриб чиқилади. Аризага эса туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ тузилганлиги ёки никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома, ариза берувчининг вояга етмаган болалари бўлса, у ҳолда болаларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари, ариза берувчининг паспорти ёхуд шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатидан кўчирма, агар ариза берувчи вояга етмаган ёки суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, у ҳолда ота-онасининг ёхуд васий ёки ҳомийнинг аризаси ҳамда 1 дона (3x4 ўлчамли) фотосурат илова қилинади. Борди-ю, 16 ёшга тўлган шахс паспорт ёки паспорт ўрнини босувчи шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат олгунга қадар фамилияси, исми, ота исмини ўзгартириш ҳақида ариза берса, унда аризага туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви нусхаси илова қилинади.

Шундан сўнг ФҲДЁ бўлими мудири мазкур ариза ва йиғилган ҳужжатларни тегишли текширув ўтказиш учун ички ишлар бўлимига жўнатади. Ички ишлар бўлими эса уларни 30 кун мобайнида ўрганиб чиқиб, асосланган хулоса тузади ва ФҲДЁ органига тақдим қилади. Ана шу хулосага кўра, ФҲДЁ бўлими томонидан фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш ёки рад қилиш тўғрисида хулоса тузилади. Натижада туғилганлик тўғрисида, никоҳни қайд этиш ёки никоҳдан ажратиш тўғрисида, болаларининг туғилганлиги тўғрисидаги далолатнома ёзувларига тегишли ўзгартиришлар киритилади ва янги гувоҳнома берилади.

Қонуний никоҳда турган эр ёки хотиндан бирининг фамилияси ўзгартирилиши иккинчисининг ҳам фамилияси ўзгаришига, ота-оналар ёки улардан бирининг фамилиясини ўзгартирганлиги эса вояга етган болаларининг фамилияси ўзгаришига сабаб бўлмайди. Фақатгина ота-оналардан ҳар иккаласининг фамилияси ўзгартирилиши 16 ёшга тўлмаган болалар фамилиясининг ҳам ўзгартирилишига сабаб бўлади. Агар ота-онадан бири фамилиясини ўзгартирса, вояга етмаган болаларининг фамилиясини ўзгартириш масаласи ота-онанинг келишувига биноан, бундай келишув бўлмаганда эса васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади. Отанинг исмини ўзгартириши вояга етмаган болаларнинг ота исми ўзгартиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшовчи фуқароларининг аризалари консул томонидан кўриб чиқилади.

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш 45 кун мобайнида амалга оширилади. Агар тегишли далолатнома ёзувлари йўқолган бўлса, ўзгартириш улар тиклanганидан кейин амалга оширилади.

**Нодира ЖАЛОЛОВА,**
**Чуст туман ФҲДЁ бўлими мудираси**

# Ҳуқуқий маслаҳатхона

**— НОТАРИАЛ идорага синглимнинг автотранспорт воситасидан фойдаланишим учун имтиёзли ишончнома расмийлаштириб беришни сўраб мурожаат қилганимда, нотариус менга сизлар ака-сингил, яъни яқин қариндош эмассизлар, чунки туғилиш гувоҳномаларингиздаги она графаси бўйича бошқа-бошқа оналарнинг фарзанди экансизлар деб, яқин қариндошлар бўйича ишончнома расмийлаштириб беришни рад этди. Ушбу ҳолат юзасидан тушунтириш берсангиз.**

**Аҳмад ТОШБЕКОВ, Бухоро шаҳри**

— Оила кодексининг 58-моддасида ака-ука ва опа-сингиллар ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндош бўлиши мумкинлиги, ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир она бошқа ёки аксинча она бир ота бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланиши, ёт аралашмаган қариндошликда ака-ука ва опа-сингиллар туғишган, ёт аралашган қариндошликда эса, ака-ука ва опа-сингиллар ўгай ҳисобланиши ва эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмаслиги кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра, сиз синглингиз билан ёт аралашган қариндош ҳисобланасиз.

Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги қарорининг 4-банд, “л” кичик бандига асосан ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болалар ва уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, жиянларга автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

**Саволга Бухоро шаҳар 9-сон давлат нотариал идораси нотариуси Эркин ШЕРОВ жавоб берди.**

# Адолат йўлида салкам қирқ йил

СУД зали. Сукунат ҳукмрон. "Ўрнингиздан туринг суд ҳайъати келаяпти. Ўзбекистон Республикаси номидан..." Суд ҳукмларини ўқиш ана шундай сўзлар билан сукунатни бузади. Кимгадир тириклик каби ширин озодлик насиб этса, кимгадир жиноятига яраша жазо "ҳадя" этилади. Бу сўзларда қатъият, адолат, қонун устуворлиги, ишонч, энг асосийси, масъулият ва бурч қўшилиб жаранглайди. Судьялик фаолиятининг мезони, энг аввало, адолат, қонун устуворлиги ва масъулият билан белгиланади.

Рустам Арзиев Тошкент Давлат университетининг юридик факультетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тугатиб, меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги академик И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг жиноят ҳуқуқи ва жиноят процесси секторида оддий лаборант, кейинчалик катта лаборант вазифаларида ишлаб, дастлабки ҳаёт тажрибаларини республикамизда танилган малакали ҳуқуқшунос олимлардан ўрганди. 1982 йилда Республикамиз таркибида янги ташкил топган Навоий вилоятининг Адлия бўлимига маслаҳатчи лавозимига қабул қилиниб, кейинчалик катта маслаҳатчи, етакчи маслаҳатчи, бош маслаҳатчи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, бошқарма бошлиғининг суд ишлари бўйича биринчи ўринбосари ва бир вақтнинг ўзида вақтинчалик вилоят адлия бошқармаси бошлиғи вазифаларини ҳам бажарди.

Р.Арзиев суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам етарли тажрибага эга бўлди, катта обрў-эътибор қозонди. У 1995 йилдан Зарафшон шаҳар судида судья, Навоий вилоят судининг судьяси, судининг судьяси, суд раисининг ўринбосари ва бир вақтнинг ўзида раис вазифаларини ҳам бажарди. Устоз ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариши билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол бўлди. У Навоий вилоят судьялар Ассоциацияси раиси, вилоят судьялар малака ҳайъати раисининг ўринбосари, шунингдек, ёш ҳуқуқшунос мутахассис ходимларнинг ҳам устоз-мураббийси, маслакдоши сифатида ўзига хос мактаб яратди.

Рустам Арзиев ўз устида тинмай ишлайдиган, ҳеч қачон ўқиб-ўрганишдан чарчамайдиган ҳуқуқшунос, одил судловни амалга ошириш ишида қатор йиллар самарали фаолият кўрсатган маърифатли инсон. Ўз билим ва тажрибаларини ёш ҳуқуқшунос мутахассислардан ҳеч қачон аямайдиган, маслаҳат ва йўл-йўриқ беришга ҳамиша тайёр турадиган самимий инсон. Адлия ва суд идораларида ўз фаолиятини бошлаган, ёш ҳуқуқшуносларга беназир устозлик қилган Р.Арзиевнинг шогирдлари бугун республикамиздаги турли ҳуқуқ-тартибот органларида фаолият юритмоқда.

Қаҳрамонимиз юртимизда олиб борилаётган улкан сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси ҳам. У 2010-2014 йилларда Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашининг депутати, шу билан бир қаторда Кенгашнинг "Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ҳамда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари" бўйича доимий комиссияси раиси, Олий Мажлис Сенатининг "Вакиллик органлари фаолиятига кўмаклашувчи комиссия" ишчи гуруҳининг аъзоси. Ҳозирги кунда ҳам Навоий вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасида юридик хизматни бошқариб келмоқда.

Ҳуқуқий ислоҳотларнинг амалга оширилишида тажрибали ҳуқуқшунос сифатида фидойилик кўрсатган, бугун ҳам мамлакатимизда қонун усутворлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаётган Р.Арзиевга 60 ёшингиз муборак бўлсин, эл-юрт ҳурмати, шогирдлар эҳтироми, фарзандлар камоли Сизга қанот бўлаверсин деймиз. Умрингиз бундан ҳам зиёда бўлсин!

**Маруса ҲОСИЛОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## Мукаммал тизим

**Электрон ҳукумат — бу фуқаролар, бизнес, давлат ҳокимияти ва бошқа тармоқлар ҳамда давлат амалдорларига ахборот тақдим этиш, аввалдан шаклланган давлат хизматларини кўрсатиш бўлиб, бунда давлат ва фуқаро ўртасидаги шахсий алоқа минималлаштирилиб, ахборот технологияларидан максимал даражада фойдаланилади.**

Бу тизим давлат тузилмаларини бошқаришни, давлат ва тадбиркорлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш орқали бизнес жараёнларини самарали ривожлантиришни таъминлабгина қолмай, фуқароларга давлат хизматларини Интернет орқали ҳаммабоп интерактив шаклда тақдим этиш имконини ҳам яратади.

2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурини ишлаб чиқиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи, давлат органлари билан қулай ва самарали муносабатларни ўрнатувчи "электрон ҳукумат" тизими изчил татбиқ этилиб, соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда.

"Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонун ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

5 боб, 34 моддадан иборат мазкур қонун эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга кириши белгиланган. Бундан кўзланган мақсад эса ушбу даврда фуқароларга қонуннинг мазмун-моҳиятини чуқур сингдириш, давлат ва тадбиркорлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш орқали бизнес жараёнларини самарали ривожлантиришни таъминлабгина қолмай, фуқароларга давлат хизматларини интернет орқали ҳаммабоп интерактив шаклда тақдим этиш имконини ҳам яратади.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилувчи 250 турдан ортиқ давлат хизматлари электрон шаклда кўрсатилмоқда. Ўтган давр мобайнида улардан 380 мингдан зиёд аҳоли ва тадбиркорлар масофадан туриб фойдаланганлари эътиборлидир.

Тадбиркорларга кенг қулайликлар яратиш мақсадида давлат органларига тақдим этиладиган ҳисоботларни электрон шаклга ўтказиш натижасида солиқ ҳамда статистика ҳисоботлари тўлиқ электрон тарзда топширилаяпти. Ҳисоб-китобларга кўра, солиқ ҳисоботларининг электрон шаклда топширилиши туфайли солиқ тўловчилар томонидан йилига ўртача 197 тонна қоғоз ва 9 миллиард сўм маблағ тежалишига эришилди.

Ушбу қонунда мустаҳкамланган нормаларнинг мазмун-моҳиятини фуқароларимизга чуқур тушунтириш, у кучга киргандан кейин амалиётда самарали ижро этилишини таъминлаш эса биз адлия органи ходимларининг ҳам муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

**Бобур УМРЗОҚОВ,**
**Жиззах вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

ЛУКОЙЛ НЕФТЯНАЯ КОМПАНИЯ
ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг Компани

*С праздником Навруз!*

*От всего сердца поздравляем жителей и гостей Узбекистана с весенним, жизнеутверждающим праздником Навруз!*

*В этот яркий праздник обновления и возрождения природы желаем счастья, здоровья и процветания.*

*Желаем всем мира, достатка и благоденствия!*








Халқимизнинг қадимий ва анъанавий байрами — Наврўзи олам тантаналари садоси бутун юртимиз бўйлаб янграётган ҳозирги шодиёна дамларда Янгибозор туманида фаолият кўрсатаётган **"Диёр қурилиш-монтаж" хусусий корхона шаклидаги ихтисослаштиртилган қурилиш, таъмирлаш ташкилоти** жамоасининг кайфияти янада кўтаринки. Арафада барпо этилган янги бино ва иншоотлар, сифат ва самарадорлик бобида қўлга киритилган ютуқлар бунёдкорлар қалбига ана шундай кўтаринкилик кайфиятини бошлаб келди.
Ўз қувончи ва шодлигини бутун халқимиз билан бирга баҳам кўраётган мазкур жамоа байрам муносабати билан туман аҳли, барча қурувчилар ва ҳамкорларини самимий муборакбод этади!

**"ДИЁР ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ" ХУСУСИЙ КОРХОНА ШАКЛИДАГИ ИХТИСОСЛАШТИРТИЛГАН ҚУРИЛИШ, ТАЪМИРЛАШ ТАШКИЛОТИ ЖАМОАСИ**

# Жаҳонга юз тутган "Nargiza teks"

"Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида ишлаб чиқарилаётган экспортбоп маҳсулотлар мамлакатимиз нуфузини ошириб-гина қолмасдан, бу хайрли ҳаракатлар ҳар бир юртдошимиз қалбида ғурур уйғотмоқда. "Narel" ёрлиғи билан тўқимачилик ашёлари тайёрлаётган Ғаллаорол туманидаги "Nargiza teks" масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти ҳам бу фикримизга мисол бўлади.

Жиззах вилоятида хорижга маҳсулот экспорт қилиш кўлами йилдан-йилга кенгаймоқда. Бунда "Nargiza teks" МЧЖ жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Яқинда мазкур бизнес субъекти хориждаги биринчи "Савдо уйи"ни очди. Корхона жамоаси хориждаги харидорларига маҳсулотларни етказиб бермоқда.

Туманнинг, қолаверса, вилоятнинг саноат қудратини ўзида мужассам этиб турган "Nargiza teks" масъулияти чекланган жамияти ўз ўрни ва нуфузига эга тикув трикотаж фабрикалардан ҳисобланади. Болалар ва катталар учун тикилаётган ўн беш турдаги маҳсулотлар сифатлилиги, бежирим нақш солингани билан харидоргир бўлмоқда. Кўплаб кўринишдаги ишланмаларни яратиш имконига эга замонавий ускуналар маҳсулотларга ажойиб кўрк ва жозиба бағишлаган. "Nargiza teks" ёрлиғи туширилиб, ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилинган маҳсулотлар, эндиликда бошқа чет давлатларнинг ҳам эътиборига тушди.

— Бир навбатнинг ўзида уч минг донадан зиёд трикотаж буюмлари тайёрланаяпти, — дейди **корхона директори Икром Шомирзаев.** — Корхонамиз 126 та замонавий дастгоҳ билан ишлаб турган эди. Эндиликда уларнинг ёнига яна 41 та дастгоҳ қўшилди. Ишчи ўрни ҳам 41 нафарга кўпайди. Шунга қараб ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ошди. Бу дастгоҳларни янги ишга қабул қилинган коллеж битирувчилари ҳам бошқармоқда. Корхонада замонавий илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаймиз. Япониянинг "JUKI" компаниясида ишлаб чиқарилган ускуналар ҳамда "TAJIMA" компаниясида ишлаб чиқарилган ипли нақш тикув ускунаси, Туркияда ишлаб чиқарилган "SULFET" бўёқли расм босиш ускунаси ўрнатилган.

Ҳа, корхонада ҳозир иш қизғин. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 80 фоизи чет элга экспорт қилиниши мўлжалланган бир пайтда ишнинг сифати, ишчиларга яратилган шароит ҳам шунга яраша бўлади, албатта. Овқатланиш, ювиниш, кийиниш, дам олиш ва бошқа хоналар бинонинг ичида жойлашган. Ишчиларнинг ишга келиб-кетишлари учун корхона автобуси доимий хизматда. Корхонада 2015-2020 йилларга мўлжалланган кенгайтириш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, иккинчи босқичда 2015-2016 йилларда умумий қиймати 4,5 миллиард сўмлик мато тўқиш лойиҳаси, учинчи босқичда эса бўяш ва бошқа тўқимачилик соҳасига оид лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Пухта бизнес-режа муваффақият калити эканлигини яхши англаган "Nargiza teks" жамоаси янгиликка интилишда давом этмоқда. Ҳадемай, бу ерда спорт либослари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чоралари кўрилаяпти. Муҳими, бунинг учун уларда имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли.

Айни пайтда ўқиётган ўқувчилар коллежни битиргач, ушбу корхонада ишлаш нияти борлигини билдиришмоқда. Чунки бундай корхонада ишлаш кўпчилик йигит-қиз учун иштиёқ ва ифтихор туйғусини уйғотган.



**"NARGIZA TEKS" МЧЖ ЖАМОАСИ**

***фасллар келинчаги, баҳор айёми НАВРЎЗИ ОЛАМ билан мамлакатимиз аҳлини муборакбод этади! Наврўз элимизга тўкин-сочинлик, халқимизга толмас сабот, оилаларимизга осойишталик келтирсин. Осмонимиз мусаффо, кўнгилларимиз шодликка тўлсин!***

## “ЎЗДОНМАҲСУЛОТ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

юртимиз аҳлини, ҳамкасблар ва фидокор деҳқонларимизни она заминнинг қутлуғ байрами **НАВРЎЗИ ОЛАМ** билан самимий қутлайди!

Азизлар, хирмонларимиз донга, хонадонларимиз қувончу шодликка тўлсин! Турмушимиз обод, ҳаётимиз ҳаловатли ва файзли, она Ватанимиз тинчу омон, давлатимиз қудратли бўлсин!

Юрт равнақи йўлидаги шарафли ишларингизда омад ва зафарлар тилаб қоламиз!

O'ZDONMAHSULOT

*Азиз ватандошлар, қадрли касбдошлар, муҳтарам хорижий ҳамкорлар! Кўп миллатли ҳамда ўта иноқ жамоамиз номидан Сиз азизларни қутлуғ айём – Наврўз байрами билан самимий табриклаймиз. Биз учун улкан имкониятларни, бебаҳо бойлик бўлмиш тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаётган давлатимиз бундан-да қудратли бўлсин, деймиз.*

*Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин! Қалбларимизни поклик ҳамда баҳорий жўшқинлик ҳеч қачон тарк этмасин! Наврўз барчамизга қувончу шодлик ҳадя этсин.*

## “INDORAMA KOKAND TEXTILE” ЖАМОАСИ



XALQ BANKI

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*юртимиз аҳолисини — меҳр-мурувват ва эзгулик айёми — **НАВРЎЗ** умумхалқ байрами билан табриклайди.*

*Юртимиз тинч, турмушимиз янада фаровон, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин! Хонадонингизда хотиржамлик ҳукм сурсин, мустаҳкам соғлик, оилавий бахт ҳамроҳингиз бўлсин. Наврўзи олам юртимизга файз-барака, дастурхонимизга тўкинлик, ҳаётимизга нурафшонлик бахшида этсин!*

*Халқимизнинг толеи-иқболи бундан-да баланд бўлаверсин.*

*Байрам кайфияти ҳар биримизга ҳамроҳ бўлсин деймиз.*

*Йил бошидаги ёруғ ўйлар ҳамиша йўлларингизни чароғон этсин.*

*Она диёримиз янада фусункор ва тароватли бўлаверсин!*

Хизматлар лицензияланган.

AGROBANK

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ “АГРОБАНК”НИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Ўзбекистон халқини ва меҳмонларини кўнгиллар хотиржамлиги, юртимиз ободлиги, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз буюклиги, баҳор маликаси тимсоли бўлган НАВРЎЗИ ОЛАМ билан муборакбод этишдан беғоят мамнун!**

**Қийғос очилган гул-чечаклар, фусункор баҳор юртимизнинг ҳар бир гўшасига ўзгача тароват, кўрк бағишлаб, кўнгилларга, шоду хуррамлик, хотиржамлик олиб келди.**

**Ана шундай шодликлару баҳорий кайфият ҳар доим сизу бизга ҳамроҳ бўлсин, азиз дўстлар!**

Хизматлар лицензияланган.

# Жарима жазоси

## муҳим тарбиявий аҳамиятга эга

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 10-моддасида жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи ўз аксини топган бўлиб, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт. Бу эса қонун устуворлигини таъминлашнинг энг муҳим шартидир.

Айбдор шахсларга қўлланиладиган асосий жазо турларидан бири бу — жаримадир. Жиноят кодексининг 44-моддасига биноан, жарима айбдордан давлат даромадига энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда пул ундиришдир. Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, шунингдек, кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга, қамоқнинг ҳар бир ойи эса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айрим ҳолларда жарима жазоси инсонпарварлик тамойилига асосланиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўрнига ҳам қўлланилади. Келинг, фикрларимизнинг исботи тариқасида жиноят ишларидан бирига эътибор қаратсак. Фуқаро Алишер Жумабоев (исм-шарифлари ўзгартирилган) 2014 йилнинг февраль-май ойлари мобайнида бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, Тошкент ва Қўқон шаҳарларидан олиб келинган 300.000 АҚШ долларидан 1.000.000 АҚШ долларигача бўлган хорижий валютани Қувасой шаҳрининг Полмон қишлоғидаги айланма йўллар орқали қўшни Қирғизистон Республикасига ўтказиб келган. 2015 йил 26 январь куни яна 500.000 АҚШ доллари миқдоридаги пуллар қўшни давлатга ўтказилаётганда чегара қўшинлари томонидан жиноий гуруҳ фаолиятига чек қўйилган. Натижада гуруҳнинг бошқа аъзолари қатори А.Жумабоев ҳам жиноий жавобгарликка тортилган. Яъни, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2015 йил 4 августдаги ҳукмига асосан Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми "а"-банди билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорида — 59.200.000 сўм жарима жазоси тайинланган. Шундан сўнг — 2015 йил 26 октябрда суд ижрочиларининг Қўқон шаҳар бўлими томонидан "Ижро иши қўзғатиш ва иш юритувига олиш ҳақида" қарор қабул қилинган. Қолаверса, қарздор суд қарорини бажармаган тақдирда, қонуний жавобгарликка тортилиши хусусида огоҳлантирилган. Табиийки, 59.200.000 сўм миқдорида жиноий жаримага тортилган шахс яна жавобгарликка тортилишини истамайди. Бинобарин, А.Жумабоев қонунда белгиланган муддатда юқоридаги жаримани тўлиқ тўлаган ва ижро иши тамомланган.

Агар таҳлилларга назар ташласак, ўтган 2015 йилда суд ижрочиларининг туман, шаҳар бўлимлари иш юритувида жиноий жарималарга оид 903 та ижро ҳужжатлари мавжуд бўлгани ҳолда, йил якунига қадар 593 тасининг ижроси таъминланган. Ўз навбатида, улардан 341 тасининг ижроси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 37-моддасига асосан тугатилган. Яна 246 тасининг ижроси эса Қонуннинг 32,35-моддаларига мувофиқ кечиктирилган ва тўхтатилган.

Қонуннинг 37-моддасида ижро иши юритишни тугатиш асослари, шу жумладан, суд ижрочиси томонидан иш юритишни тугатиш шартлари қайд этилган. Яъни, ундирувчи ундирувдан воз кечганда, агар воз кечиш суд томонидан қабул қилинган бўлса, ундирувчи ва қарздор ўртасида суд томонидан тасдиқланган келишув битими тузилганда, жарима тариқасидаги жиноий жазони бошқа жазо турига алмаштириш ёхуд жиноий жарима жазосидан амнистия актига асосан озод қилиш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилганда, ижро ҳужжатини беришга асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа органнинг ҳужжати бекор қилинганда ёхуд қонунга кўра, ижро ҳужжати бўлган ҳужжат бекор қилинганда ёки ҳақиқий эмас, деб топилганда суд ижрочиси иш юритишни тамомлайди. Масалан, Қўштепа туманида яшовчи фуқаро Мастура Содиқова ЖИБ Фарғона туман судининг 2015 йил 24 июндаги ҳукмига биноан Жиноят кодексининг 223-моддаси 2-қисми ва "б"-банди билан айбдор деб топилган. Шу боис унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баравари миқдорида, 1.776.000 сўм жарима жазоси тайинланган. Шундан сўнг тегишли ижро ҳужжатига мувофиқ суд ижрочиси мазкур ҳукмни ижрога қаратган. Оқибатда жариманинг 120.000 сўми ундирилган. Қолган қисмини тўлашдан эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорига кўра озод қилинган. Натижада суднинг амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ажримига биноан суд ижрочиси иш юртишни тамомлаган.

Албатта, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин гап жариманинг миқдорида эмас, балки айбдорнинг содир этган қилмишидан ўзига тегишли хулоса чиқариб, қайта жиноятга қўл урмаслигида. Зеро, у муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

**Абдуҳаёт ШОКИРОВ,**
**Суд департаментининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи**

# Оталик масъулияти

ХАЛҚИМИЗДА ота бўлиш осон, аммо оталик қилиш қийин, деган пурҳикмат ибора бор. Албатта, бу оталик бурчини адо қилиш нақадар масъулиятли вазифа эканлиги ва ҳамма эркаклар ҳам ҳаётда ўз оталик бурчларини тўла уддалай олмаслигига ишорадир.

Чиндан ҳам орамизда Бош қомусимизнинг 64-моддасида **"Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар"** дея таъкидланган конституциявий бурчини унутиб қўяётган, яъни ўз жигарбандини моддий таъминлашдан бош тортаётган оталар йўқ эмас. Бинобарин, аввало, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури, қолаверса, алимент тўловлари билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Бешариқ туман прокурорининг 2016 йил 2 январдаги 2-сонли фармойишига асосан туман прокуратураси, туман ИИБ, суд ижрочиларининг туман бўлими, тумандаги барча қишлоқ фуқаролар йиғинлари масъулларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Гуруҳ олдига эса алимент ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш, бу борадаги идоралараро назорат ва электрон ахборот алмашинувининг самарали тизимини яратиш, қарздорларни тоифаларга ажратиш, улар билан тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш, алимент тўлашдан бош тортган ва ундирувни қаратиш учун мол-мулки мавжуд бўлмаган қарздорларнинг жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этиш каби вазифалар қўйилди. Жорий йилнинг дастлабки 2 ойи давомида алимент тўлашдан бош тортган 19 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилгани ҳам ана шу вазифалар жумласидандир. Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 2010 йил 13 январдаги ижро ҳужжатига асосан фуқаро Аҳмадали Раҳматов (исм-шарифлари ўзгартирилган)дан Ўлмасхон Нуралиева фойдасига бир нафар фарзанди вояга етгунга қадар ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент тўлаши белгиланган. Аммо А.Раҳматов 2011 йил январь ойидан шу йил февраль ойига қадар — 62 ой мобайнида алиментни умуман тўламаган. Ҳаттоки, суд ижрочисининг бир неча бор расман огоҳлантиришлари ҳам унга кор қилмай, қарзи 14.179.740 сўмга етди. Шу боис мазкур ҳолат бўйича тўпланган ҳужжатлар туман прокуратурасига тақдим этилгач, қарздор отага нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ёки туманимизнинг Тошариқ қишлоғида яшовчи Баҳодир Умиров ҳам фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 2014 йил 21 январдаги ижро варақасига биноан бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент тўлаши лозим эди. Лекин зиммасидаги оталик масъулиятини "унутиб" қўйгани боис 2014 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикаси **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонуннинг 42[1]-моддасига мувофиқ унинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиши вақтинча чекланган. Шу йил январь ойининг охирида эса у Россияга кетаётган вақтда Тошкент вилоятида жойлашган чегара постидан қайтарилган. Чунки ўша пайтда Б.Умировнинг алиментдан 1.824.000 сўм миқдорида қарзи мавжуд бўлган. Натижада эр-хотин ўзаро келишиб, ярашиб олишди. Бинобарин, мазкур иш ундирувчи О.Жўраеванинг аризаси ва Қонуннинг 40-моддасига биноан иш юритувдан тугатилди.

**Йўлдошали АБДУНАЗАРОВ,**
**Суд ижрочиларининг Бешариқ туман бўлими бошлиғи**

# Қарзингизни тўлашни унутманг

**БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ 51-моддасида "Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар", дея белгиланган. Аммо кундалик ҳаётимизда мазкур фуқаролик бурчини барча юртдошларимиз ҳам тўла ҳис қилаяптилар деб бўлмайди.**

Қува туманида яшовчи Абдумажид Асадуллаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳукуматимиз томонидан яратилган имкониятлардан фойдаланиб, якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юрита бошлади-ю, лекин белгиланган солиқларни ўз вақтида тўлашга одатланмади. Шу боис 2014 йил учун ҳисобланган ер ва мол-мулк солиқлари тегишли суд буйруғига асосан ундириб олинганди. Ўтган 2015 йилда ҳам худди шундай бўлди. Яъни, 13.493.657 сўм миқдоридаги ер ва мол-мулк солиқларини муддатида тўламади. Туман ДСИнинг бу ҳақдаги талабномасини ҳам жавобсиз қолдирди. Бинобарин, ФИБ Фарғона туманлараро суди томонидан юқоридаги солиқ ва унинг 20 фоизи — 2.698.731 сўм миқдорида давлат божи ундириш тўғрисида чиқарилган суд буйруғи ижроси тўлиқ таъминланди. Яъни, масъулиятсизлик унга қимматга тушди.

Хизмат тақозоси туфайли фойдаланган табиий газ ва электр энергияси ҳақини вақтида тўламаётган кишиларга ҳам кўп дуч келамиз.

Масалан, туманимизнинг Толмозор қишлоғида истиқомат қилувчи Рустам Турдиев электр энергиясидан фойдаланишга фойдаланди-ю, аммо ҳақини тўлашни "унутиб" қўйди. Шу боис фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2015 йил 26 декабрдаги суд буйруғига биноан ундан 2.453.942 сўм асосий қарз ва 122.697 сўм давлат божи ундириш белгиланди. Бироқ суд ижрочиси томонидан қонуний жавобгарликка тортилиши, шу жумладан, қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқлари вақтинча чекланиши хусусида расман огоҳлантирилса-да, итоатсиз юртдошимиз зиммасидаги мажбуриятни бажармади. Шунинг учун унга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198[1]-моддасига кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида маъмурий жарима қўлланиб, шахсий автомашинасига тақиқ солинди. Оқибатда Р.Турдиев ҳам электр энергия ҳақини, ҳам маъмурий жаримани тўлади.

Албатта, бундай қарздорликларни ўз вақтида ва тўлиқ бартараф этиш мақсадида коммунал идоралар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан доимий ҳамкорлик ўрнатганмиз. Юқоридаги ҳолатлардан ўзига тегишли хулоса чиқарган киши ҳеч қачон ютқазмайди.

**Низомиддин ПЎЛАТОВ,**
**Суд ижрочиларининг Қува туман бўлими бошлиғи**



ASAKA BANK

# Аёллар тадбиркорлиги қўллаб-қувватланмоқда



БУГУНГИ КУНДА молия бозорида етакчилик мавқеини мустаҳкамлаб келаётган "Асака" акциядорлик тижорат банки томонидан хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш орқали ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳасида хусусий секторнинг салмоғини ошириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

"Асака" банк томонидан тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларига йўналтирилаётган кредит маблағлари ҳажми йилдан-йилга ортиб, ижобий натижалар бермоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг иқтисодиётимиз муҳим тармоқларидаги иштирокини янада ошириш, уларни оилавий бизнесга жалб этиш ва шу орқали турмуш фаровонлигини юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларда "Асака" банк ўз кредит сармоялари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Ўтган йили банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 1 триллион 168,0 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди, шу жумладан, аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадларига 100,1 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

"Асака" банкнинг бу соҳада амалга оширган ишлари муносиб баҳоланмоқда. Жумладан, ўтган йили пойтахтимизнинг Кўргазма Савдо марказида ўтказилган "Банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари VIII-йиллик "BANKEXPO — 2015" Миллий кўргазмаси"да "Асака" банк **"Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк"** номинациясида ғолиб, деб эътироф этилди.

Жорий йилда "Асака" банк томонидан аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 130,0 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

— "Асака" банк томонидан аёллар тадбиркорлиги қўллаб-қувватланаётганлиги биз учун қўл келмоқда, — дейди **Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Назира Муҳамадқулова.** — Оилавий корхонамиз бир неча йиллардан буён қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаради. "Асака" банк томонидан берилаётган кредит маблағлари ҳисобига ишлаб чиқариш фаолиятимиз ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Корхонамиз тасарруфидаги маблағларга "Асака" банк сармояси қўшилиб ишимиз суръати ва сифати кескин ортди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайди. Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари биз ишлаб чиқарган қандолат маҳсулотларини суйиб харид қилмоқдалар. Тадбиркорлик натижасида даромадимиз кўпайиб, оиламизга барака кирди. Оилавий бизнесимизнинг ривожланиши учун молиявий мадад берган "Асака" банк жамоасига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

— "Асака" банк кредити ҳисобига замонавий ускуна ва хомашё сотиб олдик, қисқа муддат ичида юқори сифатли, нархи ҳам ҳамёнбоп тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди **Жиззах шаҳридаги "Жаннати Бибихоним" хусусий корхонаси раҳбари Наргиза Тўйчиева.** — Банк кредити ҳисобига яратилган қўшимча 15 та янги иш ўрнида асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари меҳнат қилмоқдалар. Ўтган йили 200,0 миллион сўмга яқин тикув маҳсулотлари ишлаб чиқардик ва истеъмолчиларга етказдик. Бу йилги режаларимиз янада юксак натижаларга эришиш. Бунда бизни яқин ва ишончли ҳамкоримиз бўлган "Асака" банк қўллаб-қувватлашига ишонамиз.

Мухтасар қилиб айтганда, "Асака" банк томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш, бунёдкорлик ва тараққиёт учун астойдил хизмат қилиш ўз фаолиятида фидойилик кўрсатаётган банк жамоасининг эзгу мақсадига айланган.

**(Ўз мухбиримиз)**

Банк хизматлари лицензияланган.

# Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида салкам ярим асрдан буён "ГАГАРИН МИНЕРАЛ СУВЛАРИ" сиҳатгоҳи фаолият юритади.







УНДА беморлар ошқозон-ичак, буйрак ҳаракат таянч, асаб, юрак-қонтомирлари касалликлари бўйича даволанадилар.

Сиҳатгоҳда бир неча хил сув ванна, балчиқ, игна, шам, уқалаш, узматерапия, ёз пайтлари кум ва бошқалар билан даволаш усуллари мавжуд.

10 хилдан зиёд электр муолажаси даволанишга келганларнинг жонига оро киради.

Бундан ташқари, туз сути билан даволаш йўлга қўйилган.

Ушбу сиҳатгоҳ мамлакатимиздаги шифобахш балчиқ билан даволовчи тиббий муассасалардан бири ҳисобланади. Ушбу табиий неъматнинг хосияти туфайли сиҳатгоҳда ҳар йили минглаб беморлар шифо топиб, ўз саломатлигини мустаҳкамламоқда.

Манбаларда ёзилишича, маъданли сув ва балчиқнинг шифобахш хусусиятлари қадимдан маълум бўлиб, улардан асосан даволаш ва профилактика мақсадларида фойдаланилган. Одамлар бу неъматларнинг фойдали жиҳатини тажриба натижасида билганлар. Бугунги кунда мазкур сиҳатгоҳдаги сув ва балчиқнинг иссиқлик сиғими юқорилиги, кўп иссиқлик ўтказувчанлиги, хар хил тузларни яхши эритиб олиши ва бошқа хусусиятлари билан бошқа сиҳатгоҳлардан фарқ қилади.

**"Гагарин маъданли суви"** санаторийсида сув ва бошқа физиотерапевтик муолажалар билан бир вақтда балчиқнинг кенг қўлланилиши даволаш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Балчиқ инсон организмига иссиқлик, физик, кимёвий, радиоактив ва биологик хоссалари билан таъсир ўтказади. Ҳозир муассасада балчиқ ва минерал сув билан модда алмашинувининг бузилиши ва турли шикастланишлар натижасида таянч ва ҳаракат органларининг зарарланиши, ички аъзоларнинг яллиғланиши ва бошқа кўплаб касалликлар даволанмоқда. Балчиқ билан бирга маъданли сув ва бошқа физиотерапевтик муолажаларнинг қўлланилаётганлиги ҳам беморларнинг тезда соғайиб кетишига ёрдам бермоқда.

Сиҳатгоҳда малакали мутахассис шифокорлар фаолият кўрсатади.

**"ГАГАРИН МИНЕРАЛ СУВЛАРИ" МЧЖ ЖАМОАСИ**

***Сиз азиз ватандошларимизни гўзал айём — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий муборакбод этади! Барчангизни хуш кайфият, бегуборлик ва хотиржамлик йил бўйи тарк этмасин. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!***

Хизматлар лицензияланган.